ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

MAHALLA

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАҲАЛЛА» жамғармасининг нашри

№ 13-14 (291-292) 2002 йил 3 апрель чоршанба. Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган. Сотувда эркин нархда

ЖАЙХУН СОҲИЛИДАГИ БОҚИЙ ШАҲАР

Президент Ислом Каримовнинг Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги

нутқи

Дунёда ёши минг йиллар билан ўлчанадиган шаҳарлар сони саноқли. Қадимий кентлари билан фахрланадиган, уларни бугунги авлодларга кўз-кўз қилиш бахтига муяссар халқлар ҳам кўп эмас. Бундай саодатга эришган халқлар жаҳон цивилизацияси ривожига тамал тошини қўйган, инсониятнинг илк тарихини яратган. Не бахтки, ўзбеклар ана шундай халқлар сирасига киради. Мамлакатимиздa ёши неча минг йилларга тенг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз каби шаҳарлар талайгина.

2 апрель куни Термизда ушбу шаҳарнинг 2500 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тантаналарда иштирок этиш учун Термизга ташриф буюрди.

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!
Муҳтарам меҳмонлар!
Хонимлар ва жаноблар!

Бугун сиз азизлар билан халқимиз ҳаётидаги яна бир унутилмас воқеа - қадимий Термиз шаҳрининг 2500 йиллик тўйи муносабати билан шу қутлуғ заминда дийдор кўришиб турганимдан беҳад бахтиёрман.

Гўзал юртимизда баҳор нафаси кезиб юрган мана шундай ёруғ ва файзли кунларда ушбу тантанали маросимга узоқ-яқиндан ташриф буюрган юртдошларимизни, муҳтарам меҳмонларимизни, бағрикенг Сурхон аҳлини, барча-барчангизни шу тарихий сана билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бугунги тантанада иштирок этаётган ЮНЕСКО халқаро ташкилоти ҳамда дипломатик корпус намояндаларига, хорижий мамлакатларнинг олимлари ва оммавий ахборот воситаларининг вакилларига ўз номимдан, бутун халқимиз номидан миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Азиз дўстлар!

Бугун биз яшаётган Ўзбекистон тупроғи дунёдаги энг кўҳна ва бетакрор масканлардан биридир. Бу ҳақиқатни кўп-кўп мисоллар, тарихий ва илмий далиллар асосида исботлаб бериш мумкин.

Ўзбекистон заминининг қайси ҳудудига мурожаат қилмайлик, минг-минг йиллар қаъридаги илк ҳаёт нишоналарини, энг қадимий маданият ва санъат намуналарини ҳар қадамда топиш, шу орқали бу ерларда қандай буюк цивилизация мавжуд бўлганини кўришимиз муқаррар. Бу ҳақда гапирганда, биз Фарғона водийсидаги Селунгур, Тошкент воҳасидаги Кўлбулоқ, Қашқадарёдаги Узунқир каби дастлабки одамзот манзилгоҳларини, Самарқанддаги Афросиёб, Хоразм заминида яратилган нодир «Авесто» китоби, Бухородаги зардуштийлик ибодатхоналари сингари кўплаб ёдгорликларни назарда тутамиз.

Мухтасар қилиб айтганда, мана шу мўътабар юртимиздаги ер ости хазиналаридан, асрлар давомида сукутга чўмиб ётган шаҳристонлардан топилган археологик ашёлар, ноёб тасвирлар ва ҳали очилмаган, ўз сирларини пинҳон сақлаб келаётган чўлу биёбонлар, ҳеч шубҳасиз, бугун биз яшаётган тупроқда қадим-қадим замонлардан бошлаб буюк маданият ва санъат ривожланганини тасдиқлайди. Шу маънода, улуғ аждодларимизнинг умумжаҳон ва умумбашарият тараққиётига қўшган улкан ҳиссасини ҳозирги кунда дунёда ҳеч ким инкор қилолмайди. Бундай хулосани юзлаб бебаҳо топилмалар, осори атиқалар ва буюмлар исботлаб беради. Лекин, афсуски, инсоният бошидан кечган давр тўфонлари, уруш-қирғинлар, табиий офатлар оқибатида бу беқиёс тарихий маданият тасвирларининг мингдан бир қисмигина бизга қадар етиб келган, десак, асло муболаға бўлмайди.

Агар ўша - энг қадимий даврларга мансуб ёдгорликларимизни, сўнгги икки аср мобайнида олиб борилган археологик қазишлар натижасида топилган ноёб олтин ва кумуш буюмлар, бебаҳо осори атиқаларимизни - барча нодир бойликларимизни бошқа давлатлар каби мисқоллаб, асраб-авайлаб сақлаб келиб, бу экспонатлар бир жойга йиғилса, ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, дунёда тенги йўқ музей вужудга келган бўлур эди.

Бугун биз ЮНЕСКО халқаро ташкилоти қарорига биноан Термиз шаҳрининг 2500 йиллик тўйини ўтказар эканмиз, Ватанимизнинг жанубий сарҳадларидан топилган мана шундай далиллар асосида Сурхон воҳасида яшаган одамларнинг қандай буюк, улуғ тарихни бошидан кечиргани, керак бўлса, қандай бетакрор маданиятга эга бўлганини катта ғурур ва ифтихор билан таъкидлаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, бу кўҳна ўлкадаги Тешиктош ва Зараутсой, Жарқўтон ва Сополлитепа, Холчаён ва Далварзинтепа каби ўнлаб манзиллардан топилган ибтидоий одам маконлари, қадимий ёдгорликлар, антик санъат асарлари шундан далолат беради. Ҳақиқатан ҳам, мана шу бепоён ҳудудларда, азим Жайхун бўйларида милоддан аввал ва унинг илк даврларидаёқ Бақтрия ва Кушон каби улкан давлатларнинг мавжуд бўлганини ўзимизга тасаввур этганда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Ҳақиқатан ҳам, азалдан Мағрибу Машриқни ўзаро боғлаб келган, қадим савдо карвонлари ўтадиган Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган бу тупроқда неча минг йиллар мобайнида турли дин ва маданиятлар - зардуштийлик ва буддавийлик, насронийлик ва мусулмонлик анъаналари ёнма-ён яшаб келганини ҳисобга олсак, бу заминнинг тарихи нақадар кўҳна эканига иқрор бўламиз. Ҳатто, бир замонлар Термиз шаҳри буддавийлик марказларидан бири бўлгани, бу таълимот Хитой ва Японияга айни шу ердан тарқалгани ҳақида илмий қарашларнинг мавжудлиги ҳам бежиз эмас.

Бугунги қутлуғ сана муносабати билан бунёд этилган, собиқ иттифоқ ҳудудида ягона бўлган муҳташам Археология музейидаги кўплаб тарихий ашёлар, меъморлик ва ҳайкалтарошлик санъати намуналари, деворий расмлар, ўй-рўзғор буюмлари, турли-туман тақинчоқлар ҳам ана шу ҳақиқатнинг тарихий тасдиғи бўла олади.

Азиз дўстлар, биродарлар, шу ўринда эътиборингизни бир масалага қаратмоқчиман.

Яъни, бу қадимий воҳанинг, Термиз шаҳрининг кўҳна ва беқиёс кечмишини исботлаб, тасвир қилиб берадиган далилларни кўрганда, одамда беихтиёр шундай савол туғилади: нега шунчалик узоқ тарихга эга бўлган бу шаҳарнинг юбилейи шўро замонида бирон марта ҳам нишонланмаган? Бунинг сабаби битта: у ҳам бўлса, мустабид тузум даврида ҳукм сурган, бизнинг бой тарихимизни тан олмаслик, менсимаслик, уни шу тарихнинг ҳақиқий эгаларидан яширишга бўлган уринишлардир.

Бир сўз билан айтганда, бу ҳолни тарихий адолатсизлик, асрлар давомида бизнинг халқимиз, миллий маданиятимизга нисбатан олиб борилган ғаразли сиёсатнинг натижаси, деб баҳолаш лозим.

Бунга яна бир сабаб шуки, жанубий чегараларда жойлашган Термиз шаҳрига, авваллари Россия, кейинчалик эса СССР империясининг олис ва чекка бир ҳудуди деб, бу ерда қандай маданият, қандай тараққиёт излари бўлиши мумкин, деб беписанд қараб келинди.

Фақат биз озодлик ва эркинликка эришгандан кейингина Сурхоннинг ҳақиқий тарихини очиб бериш, тиклаш ва ўрганиш масаласига том маънода катта эътибор қаратилди. Ҳар қарич тупроғи қанча сир-синоатга, бетимсол бойликларга эга бўлган бу заминнинг нафақат юртимиз тарихига, балки дунё цивилизациясига қўшган муносиб ҳиссасини ёритиб бериш мақсадида олиб борилаётган улкан ишларни эндиликда бутун жаҳон аҳли тан олмоқда.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, асрлар қаърида кўмилиб ётган ана шу ҳақиқатни юзага чиқарган, Термиз шаҳри, бутун Сурхон воҳасининг тарихини акс эттирадиган осори атиқалар ва ёдгорликларни излаб топиш, уларни ҳар томонлама ўрганиш, жаҳон бўйлаб тарғиб этиш борасида сидқидилдан меҳнат қилган заҳматкаш олимларимизга, Япония, Германия, Франция, Россия каби мамлакатлардан келиб, бу ерда тадқиқот ишлари олиб бораётган археологларга, уларни қўллаб-қувватлаган ташкилотларга, аввало, ЮНЕСКО халқаро ташкилотига ўзимизнинг чуқур миннатдорлигимизни билдирамиз.

Ҳурматли юртдошлар!

Термиз деганда, аввало, унинг шонли воқеаларга бой кечмиши, қаҳрамонлик тарихи кўз ўнгимизга келади. Неча асрлар мобайнида Термиз ҳарбий-мудофаа қалъаси бўлиб, ғоятда масъулиятли бир вазифани ўтаб келгани барчамизга аён. Юртимизга жануб томондан кимки бостириб келмасин - Доро ёки Македонский бўладими, Чингизхон ёки араб истилочилари бўладими - Термиз қалъаси ҳамиша ёв йўлига қалқон бўлган, душманга қарши мардона курашган.

«Авесто»да «байроғи - туғи баланд эрлар юрти» деб таърифланган Сурхон воҳаси, бу қалъа шаҳар ўзининг кўп минг йиллик тарихи давомида кимларни кўрмаган, қандай синов ва тўфонларни бошдан кечирмаган? Унинг босқину истилолар туфайли неча бор вайронага айланиб, қултепалар узра неча бор қайта тиклангани тарихдан маълум. Лекин, қатъий ишонч билан айтиш лозимки, шу ерни муқаддас макон деб, она юрт деб билган мард ва жасур аждодларимиз ёвларга ҳеч қачон бўйин эгмаган. Шу маънода, «Алпомиш»дек қаҳрамонлик достонининг айнан шу ерда яратилгани ҳам асло тасодиф эмас.

Ана шу курашлар, жангу жадаллар натижасида бу шаҳарнинг номи неча бор ўзгаргани, ҳатто бир замонлар у босқинчи ҳукмдорлар номи билан аталганини ҳам яхши биламиз.

Афсуски, «Термиз» сўзининг луғавий маъноси ва келиб чиқиши ҳали-ҳанузгача номаълум бўлиб келмоқда. Лекин, бу хусусда турли фикр ва қарашлар мавжудлигини ҳам айтиб ўтишимиз керак. Қадимий ёдгорлигимиз «Авесто»да у «Тармида» деб аталса, араб манбаларида «Тармиз», яъни «дарё бўйидаги шаҳар» маъносини англатади.

Буюк шоир Абулқосим Фирдавсий эса ўнинчи асрда шаҳарни унинг бугунги номига яқин шаклда - «Тирмиз» деб тилга олади. Аммо, бизнинг фахру ғуруримиз боиси шундаки, қандай ном билан аталган бўлмасин, қандай босқин ва офатларга дуч келмасин, Термиз элининг, Сурхон халқининг ўзлиги, иймон-эътиқоди, ирода ва матонати, энг муҳими, ўз юртига садоқати асло ўзгармади.

Буюк муаррих Шарафиддин Али Яздий ўзининг машҳур «Зафарнома» асарида Термиз аҳолисининг мўғул босқинчиларига қарши фидокорона курашини тасвирлар экан, бу шаҳарни «Мадинат ур-рижол», яъни «Мардлар шаҳри» деб атаганида ҳам теран маъно мужассам.

Такрор айтаман, тарихнинг ўзи Термиз шаҳри, унинг қаҳрамон халқи зиммасига асрлар давомида юртимиз тинчлиги ва озодлиги йўлида метин қалъа-қўрғон бўлишдек оғир ва масъулиятли вазифани юклаган. Бугун биз ифтихор билан эътироф этамизки, Термиз шаҳри бу муқаддас вазифани ҳамиша ва ҳозирги мураккаб, таҳликали даврда ҳам шараф билан адо этиб келмоқда.

Муҳтарам дўстлар!

Жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлган бу шавкатли шаҳарни етти иқлимга маълуму машҳур этган унинг шонли тарихи, қадим-қадимдан шаклланиб келаётган бой маданияти, беқиёс обидалари, десак, хато бўлмайди, албатта. Лекин Термизни Термиз қилган, унинг шуҳратини олам узра зиёда этган, бу воҳанинг ҳар қарич тупроғини олтинга айлантирган - мана шу юртнинг мард ва танти, олижаноб одамларидир.

Бу қадимий диёрда яшаб ўтган беназир аллома Ҳаким Термизий, ислом дунёсида олти буюк муҳаддисдан бири сифатида тан олинган Имом Исо Термизий, мумтоз шоир Собир Термизий, муаррих Самандар Термизий каби ўнлаб улуғ аждодларимиз, азиз-авлиёларимизнинг мўътабар номларини халқимиз ҳурмат-эҳтиром билан тилга олади.

Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг айнан мана шу Термиз атрофида ўзининг пири бузруквори Саййид Барака ҳазратларидан ҳокимият рамзи бўлган байроқ ва жанговар ноғорани қабул қилиб олгани ҳам бу тупроқнинг нечоғли хосиятли эканини кўрсатиб турибди.

Бугунги кунда ҳам шу табаррук тупроқни улуғлаб, қуёш жазирамаси, гармсел шамолларига бардош бериб, қийинчиликларни енгиб меҳнат қилаётган, Ватанимизнинг жанубий сарҳадларида афғон можароси туфайли йигирма йилдан зиёд давом этган нотинч ва таҳликали вазиятда ҳам мардлик ва матонатини намоён этиб, том маънода шу юртнинг фидойиси бўлиб яшаётган Сурхон эли, Сурхон халқига ҳар қанча тасаннолар айтсак арзийди.

Азиз юртдошлар!

Бу воҳа тупроғи, Сурхон ери наинки қадимий, айни пайтда ғоят унумли, серҳосил ва баракали эканида ҳам ўзига хос ҳикмат бор.

Мен бу заминнинг хосиятларини илгари ҳам кўп марта айтганман, лекин бугунги тантанада яна бир бор бу ҳақда тўхталиб ўтсак, ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Бу ерда кўп-кўп қишлоқ хўжалик экинларини - пахтадан тортиб субтропик меваларгача, ғалладан тортиб сабзавот ва полиз маҳсулотларигача - барча-барчасини ўстириш мумкин. Айниқса, бу заминнинг сўлим табиати, Вахшивор ва Боботоғ, Сангардак ва Хонжизза, Бойсун ва Олтинсойнинг фусункор манзаралари ҳар қандай одамни мафтун этади. Ёки Сурхон воҳасининг бағрига жо бўлган ноёб табиий бойликларни, равон йўллар, алоқа тармоқлари, мухтасар айтганда, самарали ишлаш учун асос бўладиган шарт-шароит ва имкониятларни олайлик.

Энди ўзингиз айтинг, азиз биродарлар, бу воҳада шундай бой тарих, шундай унумдор ер бўлса, шундай гўзал ва бетакрор табиат, шундай меҳнаткаш, мард ва олижаноб халқ бўлса, бу юртнинг келажаги буюк бўлмаслиги мумкинми? Бу ерда одамлар бахтли, эркин ва фаровон яшамаслиги мумкинми?

Ишончим комилки, бутун халқимиз қатори Сурхон эли ҳам ана шундай ҳаётга ниҳоятда муносиб ва шундай турмуш даражасига албатта эришади. Бунга ишонч билдириш учун барча асосларимиз бор. Бу асослардан бири шундан иборатки, бутун юртимиз каби Термиз шаҳрига ҳам Оллоҳнинг назари тушган, уни доимо ўз паноҳида сақлаб, ёмон кўзлардан, бало-қазолардан ўзи асраб келади.

Бу ерга мусулмон дунёсининг улуғ алломалари ва пири бузрукворларимизнинг муборак пойқадамлари теккан ва уларнинг барчамиз учун табаррук хоклари шу тупроққа кўмилган. Яна бир асос шундан иборатки, бу заминда яшаётган барча инсонларнинг ўз юрти, ўз элига бўлган меҳр-муҳаббати, садоқати чексиз ва мустаҳкам.

Бугун биз янги жамият қуриш йўлида қандай жараёнларни бошимиздан кечираётган бўлсак, қандай қийинчилик, ғов-тўсиқларни енгиб, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга етиш, буюк келажагимизни қуриш учун қандай меҳнат қилаётган бўлсак, бу ишлар замирида Сурхон аҳлининг ҳам ғайрат ва шижоати, мардлик-матонати, фидойилиги мужассам экани шубҳасиз.

Ҳурматли дўстлар!

Биз бугун шоду ҳуррамлик билан нишонлаётган Термиз шаҳрининг муборак тўйи, авваламбор, тарихимиз ва буюк аждодларимиз хотирасига нисбатан қалбларимиздаги ҳурмат ва эҳтиром туйғусининг яна бир бор намоён бўлиши билан ибратлидир. Бундай тантана, бундай маросимлар юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, айниқса, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни бой маданий меросимизни қадрлаш, асраб-авайлашга, бу бебаҳо бойлик билан чин юраклан ифтихор қилишга ўргатади.

Энг муҳими, бизларнинг қандай қадимий тарих, қандай ўлмас маданиятга эга эканимизни, кимларнинг авлодлари, қандай улуғ зотларнинг ворислари эканимизни англашга даъват этади.

Мана шу унутилмас лаҳзаларда, шу майдонда туриб атрофимизга, Термизнинг бугунги гўзал қиёфасига бир назар ташлайлик.

Бу қадимий шаҳарда кейинги йилларда барпо этилган муҳташам бинолар, янги уй-жойлар, замонавий лицей ва коллежлар, спорт иншоотлари, обод ва равон йўллар, сўлим боғ-роғлар, кўркам фавворалар - буларнинг барчаси бунёдкор элимизга хос юксак фазилатларнинг, мустақиллик бизга берган чексиз имкониятларнинг амалий намоёни эмасми? Айниқса, мана шу улуғ тўй шарофати билан кўҳна Термизнинг ҳар томонлама яшнаб-яшариб, навқирон бир шаҳарга айланиб кетганини кўриб қувонмайдиган одам борми?

Ишончим комилки, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Султон Саодат, Қирққиз ёдгорлик мажмуаларининг тубдан қайта таъмирлангани, Темир йўл бекати, Биржа маркази, Археология музейи, амфитеатр, янги стадионлар ва сузиш ҳавзалари, бошқа ўнлаб иншоотлар нафақат Термиз шаҳри, балки бутун Сурхон воҳасининг чиройига чирой қўшиб турибди, десам, бу фикрни сизлар ҳам қўллаб-қувватлайсизлар.

Мен, фурсатдан фойдаланиб, мана шу савобли ишларни амалга оширган моҳир қурувчи ва усталаримизга, муҳандис ва меъморларга, Термизнинг обод бўлишига ўз ҳиссасини қўшган барча инсонларга чин қалбимдан ташаккур билдираман.

Қадрли дўстларим, ватандошларим!

Сўзимнинг охирида илгари ҳам айтган бир гапимни такрорламоқчиман: мен гўзал Сурхон воҳасини, унинг кўркам боғлари, баланд тоғларини, яшил арчазорлари, бепоён дашту далаларини, шу заминда яшаётган азиз юртдошларимни, бутунСурхон аҳлини яхши кўраман, сизларга ўзимнинг энг эзгу туйғуларимни изҳор этишдан ҳамиша бахтиёрман.

Мардлар, баҳодирлар ва полвонлар диёри бўлган бу табаррук тупроқдан ҳеч қачон файзу барака аримасин.

Ўтмиши шарафли, келажаги буюк Термиз дунё тургунча турсин.

Давлатимиз раҳбари шаҳарда кейинги йилларда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги ҳамда ЮНЕСКО Бош конференцияси 30-сессиясининг мазкур шаҳарнинг 2500 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаш ҳақидаги қарорлари ижросини таъминлаш жараёнида шаҳарда улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Бу ишлар «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигини нишонлаш арафасида бошланган эзгу амалларнинг давоми бўлди.

Султон Саодат ёдгорлик мажмуи бутунлай қайта таъмирланди. Шўро замонида бу муқаддас зиёратгоҳ ташландиқ ҳолга келиб қолганди. Истиқлол шарофати ва Президентимизнинг ташаббуси билан неча минг йиллик қадриятларимиз, буюк аждодларимиз хотираси ва меросини тиклашга катта эътибор қаратилиши натижаси ўлароқ, Султон Саодат мажмуи ҳам обод зиёратгоҳга айланди.

Давлатимиз раҳбари ушбу обидалар, шунингдек, Ҳаким Термизий мақбарасини зиёрат қилар экан, бундай ёдгорликлар бизга ўтмиши ёруғ ва келажаги буюк халқ эканимизни эслатиб туриши билан бирга, янги-янги бунёдкорлик ишларига чорловчи ўзига хос бебаҳо маънавий мерос эканини таъкидлади.

Термиз Буюк ипак йўлининг муҳим чорраҳаси ҳисобланган. Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланиб, халқаро интеграция жараёнлари кучайиб бораётгани қадим шаҳарнинг бу мавқеи қайта тикланишига муҳим омил бўлмоқда. Мазкур жараёнда Термиз темир йўлининг аҳамияти янада ортаётир. Янги темир йўл вокзалининг фойдаланишга топширилиши шаҳарнинг 2500 йиллик тўйига муносиб тўёна бўлди. Воҳанинг ўзига хос иқлим шароитини ҳисобга олиб бунёд этилган ушбу иншоот замонавий техника воситалари билан жиҳозланган.

Президентимиз шаҳарнинг 2500 йиллик тўйи муносабати билан барпо этилган Археология музейини ҳам бориб кўрди.

Эътиборли томони шундаки, мазкур музей собиқ иттифоқ ҳудудида ягона ҳисобланади. Музей биносини Шарқ ва замонавий меъморликнинг ўзаро уйғунлиги тимсоли дейиш мумкин. Музейга Сурхон заминидан топилган ноёб археологик топилмалар қўйилган.Бу ердаги минглаб экспонатлар ўлкамизнинг қадимий маданияти, Термизнинг жаҳон цивилизацияси тараққиётида тутган нуфузли ўрнидан сўзлайди. Қадимий Кушонлар шаҳзодаси, жангчилар ҳайкаллари, шунингдек, Фаёзтепадан топилган ванна дунёнинг манаман деган машҳур музейлари ҳавасини келтириши шубҳасиз. Музейдаги буддавийлик даврига оид топилмалар бу дин Хитой ва Япония каби мамлакатларга ҳам худди шу заминдан борганидан далолат беради.

Шаҳар юбилейига бағишланган тантанали маросим ўтадиган «Алпомиш» стадиони байрамона безатилган. Ундан мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан ташриф буюрган меҳмонлар, хорижлик олимлар, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари жой олган.

Президент Ислом Каримов байрам ўтадиган майдонга кириб келди. Йиғилганлар давлатимиз раҳбарини давомли қарсаклар билан кутиб олди.

Юбилейга бағишланган маросимни Сурхондарё вилояти ҳокими Т.Қодиров очди.

Маросимда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

- Ўзбекистон заминининг қайси ҳудудига мурожаат қилмайлик,- деди давлатимиз раҳбари, - минг-минг йиллар қаъридаги илк ҳаёт нишоналарини, энг қадимий маданият ва санъат намуналарини ҳар қадамда топиш, шу орқали бу ерларда қандай буюк цивилизация мавжуд бўлганини кўришимиз муқаррар. Дарҳақиқат, Юртбошимиз алоҳида таъкидлаганидек, Термиз ҳам инсониятнинг ана шундай энг қадимий шаҳарларидан биридир. Аммо фақат халқимиз истиқлолга эришганидан кейингина бу заминнинг ҳақиқий тарихини очиб бериш, тиклаш ва ўрганиш масаласига кенг йўл очилди.

Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида фидокорона меҳнат қилаётган бугунги Сурхондарё аҳлининг яратувчилик ишларига юксак баҳо берди. Шаҳар юбилейи муносабати билан амалга оширилган бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этганларнинг барчасига миннатдорлик билдирди.

Маросимда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Майкл Барри Лейн, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори, Термиздаги 2-ўрта мактаб ўқувчиси Манзура Холмирзаева, миллий кураш бўйича жаҳон чемпиони Тоштемир Муҳаммадиев, жаркўрғонлик меҳнат фахрийси Рўзи Алиқулов сўзга чиқди. Маросим театрлашган байрам томошаси билан якунланди.

Анвар КАРИМОВ,
Чори ТЎХТАЕВ,
ЎзА мухбирлари

2-САҲИФАДА

- *Умр мазмунини мазмунли ўмр кечирганлардан сўраш керак.*
- *Ижарага турмоқчимисиз? Шартнома имзоланг!*
- *Юрт обрўсини елкасида кўтарган полвон.*

3-САҲИФАДА

- *Маънавий етуклик муҳимроқми, ёки моддий тўкислик?*
- *Маҳалла театри саҳнасида...*
- *«Дунё тилсим, китоб унинг калити».*

4-САҲИФАДА

- *Қўшнисининг аввал молига, сўнгра жонига тажовуз қилган қўшни.*
- *Сайёраларо саёҳатга талабгор борми?*
- *Башорат - фақат башоратга ишонувчилар учун!*

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Тахририят манзили: Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

Телефонлар:
Масъул котиб: 136-53-75
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

«ЭЛ НЕТИБ ТОПГАЙ МЕНИКИМ...»

2002 йил 3 апрель
№ 13-14 (291-292)

Маҳалламиз фидойилари

ЁРУҒ ИЗЛАР ҚОЛСА ОРТИНГДА...

Умр нима?

Қўлинг теккан жойда гулу чечаклар унса, эккан ниҳолларинг улкан дарахтларга айланиб, элу юрт унинг сояси ва меваларидан баҳраманд бўлса, одамлар ҳар сўзингни худди гавҳардек қалбларида асраса, ҳар ишинг билан уларни хушнуд этаверсанг...

Умр деганлари аслида мана шу!

Бундай умрда мунавварлик бор.

Ўйлаб кўринг-чи, сиз қандай яшаяпсиз? Мен-чи, мен қандай умр кечираяпман? Ҳаёт йўлимизни ёритгувчи асосий фазилатларимиз нимада? Инъомжон Искандаров ўз-ўзига шу саволни берганида ҳали жуда ёш эди...

- Мен ота-онамдан барвақт жудо бўлиб, анчагина кексайиб қолган бувамнинг тарбиясида қолдим,- дейди у. - Турмуш машаққатлари кишини тез улғайтираркан. Зомин кўчаларида ҳар неки юмуш бўлса, қўл урдим. Ҳар неки ҳунар бўлса, ўрганишга уриндим. Бир куни оч-наҳор ўтириб, ўзимча ўйладим. «Агар қачондир ишлаб, кўп пул топсам, унинг маълум қисмини одамларга улашаман!» деб эзгу ният қилдим.

Эзгу ниятда хосият бор.

Сидқидилдан нимаики ният қилсанг, албатта ижобат бўлади, дейдилар. Илло, рост.

Суратда: Инъомжон ака турмуш ўртоғи ва набиралари билан

Кейинчалик, Инъомжон Искандаровни ҳаёт жуда кўп маротаба сийлади. У узоқ йиллар юқори лавозимларда фаолият кўрсатди. Улкан минбарлардан туриб сўз айтди. Катта давраларнинг энг иззатли кишиларидан бирига айланди. Ордену нишонлар кўксини безади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи унвонини олди. Ишда ҳам, жамоа орасида ҳам, оилада ҳам ардоқли бўлди. Лекин, ўсмирлигида дилига туккан ниятини асло ёдидан чиқармади.

Мен баъзан ҳайрон қоламан. Орамизда яхши ниятли инсонлар кўп. Улар ичида анча бадавлат яшаётганлари ҳам бор. Бироқ, ўз маблағидан озгинасини сарфлаб, муҳтож одамларга кўмак бермоқликка ҳаммаям шошилавермайди. Нега? Чунки, эзгулик аввало юракда туғилади. Қачонки, у юракда мустаҳкам илдиз отсагина, мурувватга айланади. Қалбларимиздаги эзгуликни мурувватга айлантиришга қодирмизми? Ўйлаб кўрайлик.

Ҳамза туманидаги Янгиобод маҳалласи аҳли бир даврага йиғилса бас, суҳбат суҳбатларга уланади. Шунда Инъомжон Искандаровнинг ҳам номи эҳтиром билан тилга олинади.

- Маҳалламиз чойхонаси қурилишига ўзлари бош-қош бўлганлар,- дейди кимдир.

- Яқинда қабристон атрофидаги таъмирлаш-қурилиш ишларига ўз ҳисобларидан катта маблағ ўтказди,- дейди яна кимдир.

Биров бу инсоннинг кўпдан буён маҳалла ободончилигига ҳисса қўшиб келаётгани ҳақида сўзласа, бошқа биров камхаржлар ва кексаларга доимо моддий кўмак бераётгани хусусида гап юритади.

Бундай суҳбатларни тинглаётганлар орасида баъзи бир кимсалар «Ўзига тўқ одам маҳалласидагиларга яхшилик қилса қилибди-да» деган хаёлга ҳам борадилар, гоҳо. Балки бу фикр ҳам тўғридир. Бироқ, биз битта нарсани унутмаслигимиз зарур. Ўзига тўқ одамлар орамизда жуда кўп.Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам эзгу ишга биринчи бўлиб қўл уришга қодир эмас. Бунинг учун кишининг кўнглида ўзгача хислат бўлмоғи шарт.

- Яхши ишнинг яхшилиги шундаки, у кўпчиликни ортидан эргаштиради,- дейди Янгиобод маҳалласи оқсоқоли Хурсанали ҳожи Тожиаҳмедов. - Инъомжон аканинг маҳалламизни обод қилиш борасидаги ишларни амалга оширганларини кўриб бошқа маҳаллаларда ҳам шундай ишни бошлаб юборганлар кўпайди. Хайрли юмушларга ёшларимизнинг ҳам кўмаклашаётганликлари айниқса қувонарли. Ахир ёш авлод тарбиясига панд-насиҳатларимиздан кўра кўпроқ бундай хайрли ишларимиз ижобий таъсирини кўрсатади-да.Маҳаллада меҳр-оқибат шу тариқа қарор топади, эзгуликларга йўл очилади.

Инъомжон Искандаров пенсияга чиқиш ёшидан ошган бўлса ҳам ҳар куни Тошкентдан Ангренга ишга қатнайди. У айни вақтда «Ўзбекрезинатехника» ишлаб чиқариш бирлашмасида директор муовини.

- Бирор кун нимадир сабаб бўлиб, ишга боролмасалар, худди касалга ўхшаб қоладилар, - дейди Умидахон опамиз жилмайиб.

Чеҳраси очиқ, истараси иссиқ бу аёл ширинсўзлиги, эпчиллиги билан хонадонга файз киритиб турганини ҳис этдим. Катта ҳовлининг орасталиги мана шу аёлнинг меҳнаткаш қўлларида янада сайқал топгандай.

- Қизимиз Ҳилолахон, куёвимиз ва икки набирамиз кўзларимизнинг оқу қораларидир,- дейди Умидахон опа. - Шуларнинг аҳиллиги, тинчу омонлигини кўрсак кўнглимиз ўсади.

Шу Умидахон опамизнинг юраги ҳам гўё Инъомжон акадан чўғ олган экан. Бу аёл ҳатто машинага ўлтириб дала юмушларини бажариб юрар экан. Мақолага нуқта қўйиш олдидан яна маҳалла оқсоқолининг сўзларини эсладим.

- Инъомжон ака катта ишларга бош-қош, лекин ўзлари жудаям камтар...

Оқсоқол Инъомжон аканинг меҳр-оқибатлилиги ҳақида гапираётиб, бир воқеани сўзлаб берди. Қишлоқнинг оддийроқ оиласида ўсган бир қиз келиб, то олийгоҳни битказгунча шу ҳовлида яшаган. Сир эмас, ҳатто Инъомжон ака унинг кийим бошидан тортиб, ўқишдаги камкўстини ҳам бутлаб берарди. «Ўшанда,- дейди Инъомжон ака, - мен бир ота-онасиз бола турли ишларни қилиб гоҳ оч-гоҳ тўқ юрган кезларимда шу қизнинг буваси мени ўз болаларига қўшиб ҳаммомида чўмилтириб, қорнимни тўйғазган эди. Мен хаёлимда албатта шу яхшиликни кўп ҳисса қилиб қайтаришни орзу қилгандим».

Инсонларга меҳрлилик, камтарлик, камсуқумлик...Аслида инсон умрининг чин мазмуни ҳам ана шундай олий туйғуларда акс этади.

Гулчехра ЖАМИЛОВА

ОЛАМ ТЎРФА

ҚЎЛ БОЛА МИНИ-ЖИП

Бу машинани Краснодарда автоҳаваскорлик томонидан ўтказиладиган автошоу кунларидагина кўриш мумкин.

Чунки у ҳали давлат автоинспекцияси рўйхатидан ўтмаган. Краснодарлик конструктор Эдуард Колесников ясаган ушбу авто-уловга нигоҳи тушган кишининг ҳайратга тушиши аниқ. Ҳақиқий жип «Врамглер»ни сотиб олишга чўнтагининг кучи етмаслигини билган Эдуард, шу машинани 2/1 нисбатида кичиклаштирилган нусхасини яратиш устида бош қотирди. Шу мақсадни амалга ошириш учун у ўзининг махсус устахонасида бир йилдан ортиғроқ тер тўкди. Натижада ўша машҳур машинадан ҳечам фарқ қилмайдиган минижип яратишга муваффақ бўлди. Ва бу ноёб машинани қизининг туғилган кунида унга совға қилди.

РЕКОРД ҚЎЯМАН ДЕБ...

Гиннеснинг рекордлар китобига тушаман деб одамлар ўзларини нима кўйга солишмайди дейсиз.

Уларнинг баъзилари китоблан жой олиш учун соғлиқларига тўғри келмайдиган ишларни ҳам қилишади. Мана масалан, АҚШнинг Оклохома штатида яшовчи Люк Виргис ўттиз секундта тўрт дона лимонни пўсти ва данаги билан еб урлгурган. Бунинг оқибатида шунга олиб келдики, дўхтирлар икки ойдан кейин уни ошқозонида яра пайдо бўлганини аниқланди.

Чикаголик 13 яшар Энтони Джефферс 33,5 секундта 1,6 кг. эримаган музқаймоқни ютиб юборган. Боланинг оч-кўзлиги шунга олиб келдики, уни 15 минутдан кейин операция столига ётқизиб ичагининг бир қисмини олиб ташланди.

БОШЛИҚНИНГ ТАШАББУСИ

Татаристоннинг Чистополь шаҳридаги гўшткомбинатининг директори И.Ҳуснуллин ишчи ва хизматчиларини саломатлигини сақлаш мақсадида яхши ташаббус бошлади.

Бошлиқнинг бу хайрли ишини энг аввало идора хизматчилари қувватлашди. Чекиш бўйича кўп йиллик стажга эга бўлган бошлиқ қўлидаги сигаретасини тутатмоқ бир мартагина ҳузур қилиб тортиб уни ахлат челакка улоқтирди ва атрофидагиларга бу охирги чекиши эканлигини айтди. Шундан кейин директор махсус қарор чиқариб унда ўн учинчи маош берилаётганда ишчи ва хизматчиларни чекишга муносабати ҳисобга олинадиган ва кашандалардан маълум миқдорда жарима ундирилиши белгиланди.

ГУЛ ЭКАН ДЕБ...

Табиатнинг фусункор фасли баҳор ҳаммаёқни гулу чечакларга буркади. Кўчада ким кўп, гул кўтарганлар кўп. Кимдир тўйга бориб келин-куёвни табриклашга ошиқса, кимдир ўзига яқин кишисини туғилган куни билан табриклашга шошилади.

Бундай қувончли кунларда гул совға қилиш яхши одат. Бироқ бошқа ишларда бўлганидек, бунда ҳам нозиктаъблик, хушёрлик лозим. Чунки ҳар қандай гулни ҳам ҳадя қилиб бўлавермаслигини билиш даркор. Сабаби баъзи гуллар чиройли бўлгани билан, ўзидан нохуш ҳид таратади. Наргис, сунбулгул ва Голландиянинг оқ лилияси ана шундайлар тоифасиданки, буларнинг ҳиди жуда ўткир, шунинг учун ҳам бу гулларни аллергик, бронхиал астма, ўпка касаллиги билан оғриган кишиларга совға қилиб бўлмайди. Шунингдек, уларни касалхона ва туғруқхоналарга ҳам олиб келиб бўлмайди. Бундан ташқари шунақа гулларни ҳатто ишлаш хоналари ҳамда ётоқда ҳам сақлаш мумкин эмас, Чунки улар чиқарадиган эфир мойи бош оғригига сабаб бўлади.

Ф.ҒОЙИБОВ тайёрлади.

Хотира

АМИНБОЙ РАИСДАН ҚОЛГАН БОҒ...

Ўшанда мен Аминбой ога билан хайрлашарканман, у билан охирги марта кўришаётганим, энди қайтиб бу тадбиркор раис, ажойиб инсон билан юз кўришиш насиб этмаслигини ҳеч хаёлимга келтирмагандим. Унинг фаолияти, маҳаллада олиб бораётган ишлари ҳақида кўп мақолалар ёзиш ниятим бор эди.

Шунданми, ҳафта ўтиб-ўтмай унинг қазо қилгани ҳақидаги хабарни эшитиб, дастлаб ишонмадим. Лекин, начора... Улим ҳақ экан.

1993 йилда у ўзи туғилиб ўсган Урганч шаҳридаги Комилжон Отаниёзов номли маҳаллага оқсоқол этиб сайланганди. Ана шу кундан бошлаб ўзининг куч-ғайрати, билимини элнинг тинч-осойишталиги ва фаровонлиги йўлида сарф этди. У раис бўлиб сайланганида маҳалла идораси эски, пастқам ва кўримсиз бир бинода жойлашган, бисотида битта стол ва уч-тўртта оёғи синиқ стуллардан бўлак ҳеч вақо йўқ эди.

Аминбой Абдураҳмонов маҳаллани энг намунали масканлардан бирига айлантирди. Ишни айни кексалар ҳурматини жойига қўйишдан бошлади. Уларни маҳалла бош-қошчилигига жалб этди. Ҳашар йўли билан қурилган маҳалла биноси тезда ишга туширилди. Эски қабристонда кенг миқёсда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Аминбой Абдураҳмоновнинг ҳаракатлари беиз кетмади. Республика маҳалларидаги ўртасида ўтказилган «Энг намунали маҳалла» кўрик-танловида қатнашган А.Абдураҳмонов етакчилигидаги маҳалла фахрли учинчи ўринни эгаллади. Ибратли ишлари, ташкилотчилик ва ташаббускорлиги учун Президентимиз табрикномасини олишга сазовор бўлди. «Бу табрик хати бизни бир маҳалла атрофида янада мустаҳкам жипслашиш, барча ишда бошқаларга ибрат, намуна бўлишга чақириб туради»,- деганди у ўшанда.

А.Абдураҳмонов умрининг охиригача ўзининг ана шу сўзларига содиқ қолди. Элим деб, юртим деб яшади.

Бугун маҳаллада фаолият кўрсатаётган ўнлаб корхоналар, тикувчилик, тўқувчилик цехлари, шинам ва озода кўчалар, борингки, ўтказилган ҳар бир туп ниҳолга А.Абдураҳмоновнинг меҳнати сингган. Шу боисдан бўлса керак, кўпчилик бу жойни «Аминбойнинг маҳалласи» дея тилга олишади.

«Яхшидан боғ қолади...»,- дейди доно халқимиз. А.Абдураҳмоновдан ўзаро дўстлик, меҳр-оқибат ришталари қарор топган, ҳар томонлама обод ва кўркам маҳалла ёдгор бўлиб қолди.

Қодир МУЛЛАЕВ.
Урганч шаҳри.

Наманган вилояти

Бизнинг оқсоқол

ЙИЛЛАР билан ўлчанмас умр

Тасодифларда қонуният бор. Ҳар бир тасодиф борки, у бежизга юз бермайди. Айтайлик, сиз кутилмаганда катта мукофот соҳибига айландингиз. Аслида бу тасодифий, лекин бўлиши зарур ҳақиқат. Негаки, мукофот ортида сизнинг заҳматли меҳнатингиз яширин

Аҳмаджон Абдураҳмоновнинг Фурқат номли маҳалла фуқаролар йиғинига раис этиб сайланиши ҳам худди шундай тасодифлардан бири бўлди. Оқсоқолни сайлаш учун ўтказилаётган йиғинга юзлаб вакиллар тўпланганди. Масъул идоралар вакиллари номзодлар рўйхатини ўқиб эшиттиришди. «Таклиф киритувчилар бўлса, эшитамиз» дейилди. Шунда бир неча киши сўз олиб «ушбу рўйхатга Абдураҳмонов номзодини ҳам киритишни сўраймиз» деб таклиф киритишди. Буни қарангки, ўшанда рўйхатда йўқ бўлган Аҳмаджон ака 92 фойиз овоз олди!

Ҳа, умр - оқар сув. Иш, оила, ҳаёт ташвишлари билан кунлар ойларга, ойлар йилларга уланади. Қарабсизки, қаршингизда олтмиш ёш бўй чўзиб турибди! «Умр шунча тез ўтмоқдами?» дея ўзингиз ҳам ҳайратга тушасиз. Аслида инсон умри фақат йиллар билан ўлчанармикин? Йўқ. Киши ҳаёти давомида бажарган яхши ишлари унинг юрагини, босиб ўтган йўлларини безайди. Умрига мазмун олиб киради. Аҳмаджон Абдураҳмоновнинг умри ҳам мазмунли кечди, ҳатто бошқаларга ибрат бўлгуликдир!

Унинг асл касби қурувчи эди. Қатор йиллар давомида бу соҳадаги турли хизмат вазифаларини муваффақиятли адо этиб келди. Бундан ўн беш йилларча муқаддам у Заркентдаги қурилиш ширкатига раис қилиб тайинланди. Ана шу даврда кўплаб қурилиш ишларига бош бўлди. Янгиқўрғон ғишт заводини янгидан тиклаш, хўжаликлар ҳудудида мактаб, шийпон ва шифохоналар қуриш ташаббускори бўлди. МПК бошлиғи лавозимида ишлаган йилларда эса Заркент консерва заводи, қишлоқларда мактаб, боғча, касалхоналар бунёд этишда қатнашди. У саломатлиги бироз ёмонлашиб, анча муддат уй шароитида муолажалар олди. Бироқ, меҳнатга ўрганган одам ҳеч тиниб-тинчимас экан. Шу йилларда у ўзи яшаётган маҳалла фуқаролар йиғинида посбонлик вазифасини адо этди. Кишилар ўртасида ташкилий-тарбиявий ишларни кучайтириш, бекор қолган ёшларни ҳисобга олиб, турли юмушларга жалб этиш, оилалардаги қўйди-чиқдиларни бартараф этиш сингари муҳим юмушларга астойдил бош қўшди. Унинг ташаббускорлиги маҳалладаги тарбияси оғир болаларни йўлга солишда айниқса қўл келарди. «Бундай болаларни дарров ёмонга чиқариб қўйиш шартмикин? - дерди у давраларда. - Ахир ҳар бир боланинг ибратли фазилатлари бўлади. Биз болаларнинг яхши жиҳатларини ўрганайлик, унинг эгри кўчага киришига нима сабаб бўлганини аниқлайлик, шундагина бу ўсмирларни тарбиялаш осон кечади...»

Доимо эзгу ишларга бош-қош бўлиб келган киши эл-юрт орасида ишонч қозонади. Маҳалласи аҳли ҳам ўз оқсоқолига катта ишонч билан қарашган эди ўшанда. Аҳмаджон ака ишни маҳалла ҳаётини яхшилашдан бошлади. Хўш, қандай қилиб? Маълумки, маҳаллада кам таъминланган ёки боқувчисини йўқотган хонадонлар, дардманд кексалар ва ёш болали оналар бор, уларнинг барчаси мададга, ҳимояга муҳтож.

- Ўтган йилнинг сўнгги ойида бундай хонадонларга 54 минг сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилди, - дейди оқсоқолимиз. - Ажратилган 154 минг сўмлик моддий ёрдам эса белгиланган кишиларга вақтида етказиб турилди. Бундай хайрли ва савоб юмушларни ушбу йилда янада кучайтирамиз.

«Сабр ва шукр қилиб яшаган инсон муродига етади» дейдилар. Аҳмаджон ака муаммолар қаршисида мулоҳазали, «етти ўлчаб бир кесиш» одати бор. Ҳар бир яхшиликка эса шукр қилади. «Машаққат чеккан одам яхшиликка ҳам етади» дейди доимо. Унинг бу гапи ёшу қарини меҳнатга ундайди, яхшиликларга илҳомлантиради. Ўғилу қизлар, набиралар эса бу ажойиб инсонга издош бўлмоқликни ҳавас қилишади. Аҳмаджон аканинг тўрт фарзанди ҳам уйли-жойли, ўн олти нафар набираларининг ҳар бирини дилдан суяди, «данагидан мағизи ширин» дея эркалайди...

Аҳмаджон ака, ўзининг олтмишинчи баҳорини маҳаллани ободонлаштириш ишларига жиддий киришиш билан бошлади. Одамлар одатдагидек унга эргашди.

Ҳасанбой ДОВИЛОВ,
Янгиқўрғон тумани Фурқат номли маҳалла посбонлари сардори.

Тошкент вилояти

ТУРДИВОЙ АКАНИНГ ТАШАББУСИ

Зангиота туманидаги Хонобод қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Номданак маҳалласида Наврўз тантаналари ҳар йилгидан серфайз бўлди.

Бир томони Тошкент шаҳри, иккинчи томони қишлоқ далаларига туташиб кетган маҳалла гузарида минглаб одамлар йиғилди. Унда оқсоқол ташаббуси билан қарияларга, эҳтиёжманд кишиларга совғалар топширилди. Шу куни бу маскан ёш болалар, қариялар, ўрта ёшлилар билан лиқ тўлди. Мусиқа садолари кечгача тинмади.

Кексалар яқиндагина сайланган оқсоқол Турдивой ака Нажимовнинг бу ташаббусидан мамнун эканлигини эътироф этиб, дуо қилишди.

Мухбиримиз



Кашқадарё вилояти

ҚАРИЯЛАР БОҒИ

Касби тумани ҳокимлиги «Қарияларни қадрлаш йили» муносабати билан турли кўнгилочар учрашувлар, ижтимоий ҳимоя тадбирларини ўтказишга алоҳида эътибор бераётир.

Тумандаги «Пахтакор» хўжалигида ташкил этилган 10 гектарлик янги боғ «Қариялар боғи» деб номланди. Кекса отахон ва онахонлар ўз фарзандлари, набиралари ёрдамида боққа олма, ўрик, бодом, шафтоли, хурмо ҳамда бошқа мевали кўчатлар ўтказиб, парвариш қилмоқдалар.

Боғни ижарага олган У.Ботиров бошлиқ оилавий пудратчилар бу ерда етиштирилган сархил мевалардан қариялар ва ногиронларга улашиб, уларнинг дуосини олишни дилларига тукканлар.

Бундай «Қариялар боғи» Китоб тумани марказида ҳам ташкил этилди.

Ўз мухбиримиз.

Андижон вилояти

КЎРИК-ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТАДИ

«Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими Республика «Маҳалла» жамғармаси бошқарувининг «Энг обод маҳалла» кўрик-танловини ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаб «Андижонни гуллар вилоятига айлантирайлик» шиори остида вилоят маҳаллалари ўртасида «Энг обод маҳалла» кўрик-танловини ташкил этишга жиддий киришди.

Кўрик-танловнинг вилоят босқичида биринчи ўринни эгаллаган маҳаллага «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлимининг Фахрий ёрлиғи ва юз минг сўм пул мукофоти, иккинчи, учинчи ўринни эгаллаган маҳаллаларга Фахрий ёрлиқлар 75, 50 минг сўмдан пул мукофоти белгиланган.

Адаҳам ОМОНБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Юртимиз алпларидан

Сурхондарё вилояти

Даштиғоз полвонлари

Даштиғоз қишлоғи Бойсун туманининг этагида, аниқроғи тумандан ўн беш километр шимолий-шарқ тарафида жойлашган. Қарияларнинг ривоятларига қараганда, ўтмишда бу қишлоқ ерлари улкан кўл бўлган. Айниқса, ғоз, ўрдак, лайлаклар макон қурган бу ерда. Даштиғоз номи ҳам шундан келиб чиққан.

Даштиғоз инсон қадами етгач, обод бўстонга айланди. Ҳамроҳим қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Бўри Чориев билан Турди полвон Тўрабоевнинг суҳбатига чоғландик. Полвоннинг отаси Тўрабой Муҳаммадиев қишлоқнигина эмас, бутун Бойсуннинг фахри эди. Ота баракали умр кўриб, бир минг тўққиз юз саксон олтинчи йили 78 ёшида қишлоқдошлари билан видолашди. Унинг ишини ўн нафар ўғил-қизи, саксонга яқин набираэваралари давом эттиришяпти.

Бугунги суҳбатдошимиз Турди полвон оиланинг тўнғич фарзанди. Ўзи қишлоқ боласи бўлса ҳам ёшлигидан спортга меҳр қўйди. Зил-замбил тош кўтарди. Штанга билан машқ қилди. Самбо, ўзбекона миллий кураш эса унинг севимли машғулоти. Даштиғозадаги тенгдошларини йиғиб, чим устида олишарди. Тўрабой ака ўшанда қалбида меҳри тошиб аёлига дерди:

- Турдидан юрт орини оладиган полвон чиқади, хотин.

- Э, кўрасан хотин. Ўғилларимнинг бари полвон бўлади, - ғурурланиб дерди Тўрабой ота, - Буни Худойберди, Шойим, Эгамберди, Тоштемирнинг оёқ олишидан биламан. Ҳаракатини қара!

Фаришталар ҳам омин деган экан ўшанда. Отаонанинг нияти ижобат бўлди, орзу-ҳаваси ушалди. Тўрабой Муҳаммадиев хонадонида бир-биридан келбатли беш ога-ини ботирлар бўй кўрсатди. Даврага тушадиган, ёқа ушлашиб курашадиган дамлар келди. Тўй човкиларида полвонликдан умидвор ўсмирлар орасида уларнинг олдига тушадиганлари топилмасди. Айниқса, Турдининг номи тилга тушди. Эътибор қозонди. Туман, вилоят мусобақаларида биринчилардан бўлиб юрди. Самбо, миллий кураш бўйича республикада ўтказилган беллашувларда ҳам шоҳсупанинг юқори поғонасидан ўрин олди. Халқаро турнирларда Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон, Қозоғистондаги манаман деган номдор полвонлар билан куч синашди. Давралардан ғолиб чиқди.

Кўпкарида от суришда ҳам Турдига етадиганлар, у билан улоқ тортадиганлар камдан-кам топиларди. Ҳозир у эллик беш ёшда. Мустақилликка эришган йиллардан бошлаб полвонликни халққа хизмат қилиш, чўлни обод этиш, моддий неъматлар етиштириш иши билан алмаштирди. «Бойсун» ширкат хўжалигида ферма мудири бўлиб 300 гектар ерда деҳқончилик қилади. 8000 дан ортиқ ҳисори қўйларни кўпайтириш чораларини кўряпти.

Давраларда, мусобақада Турди полвон ўрнини Худойберди, Эгамберди, Шойим, Тоштемирлар эгаллади. От суриб, улоқ чопишда ҳам улар пешқадам бўлди. Полвонликда Худойбердининг алоҳида ўрни бор эди. У одим ташлаб давра айланганда гўё ер лорсиллаб кеттандек туюларди кишига. Мард, танти полвон сифатида эл аро ном қозонганди. Аммо умри қисқа экан... Худойбердининг курашиш усулларини Тоштемир тўлиқ ўзлаштирди. У болаликдан зийрак, синчков эди. Акалари билан бирга машқ қиларди. Уз устида тинимсиз ишларди, машқ қиларди. Изланишлари қувончли натижа берди. Барваста қомати куч-қувватга тўлишди, қалбида ўт чақнади.

Ал-Ҳаким ат Термизий хотирасига бағишлаб ўтказилган халқаро мусобақаларда ҳам Тоштемир Муҳаммадиев мустақил Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилди. У ўзининг мардона кураши билан етти иқлимдан Алпомиш юртига ташриф буюрган хорижий паҳлавонларни ҳам қойил қолдирди. Бир эмас, уст-устига икки йил Халқаро мусабақада Президент совринини қўлга киритди, шоҳсупанинг юқори поғонасида туриб, давлатимиз байроғининг кўтарилишини мағрур кузатди, мадҳиясини ҳаяжон билан тинглади.

1999 йили миллий кураш бўйича ўтказилган биринчи жаҳон чемпионатида ҳам бойсунлик ўғлон Тоштемир Муҳаммадиев бразилиялик машҳур полвон билан майдонга тушиб, уни маглуб этди. Миллий кураш бўйича Ўзбекистоннинг тогли туманидан чиққан биринчи жаҳон чемпиони сифатида тарих саҳифасидан муносиб ўрин олди.

- Тоштемиржонни юртбошимиз Ислом Каримов бағирларига босиб, даст кўтарганларини ойинаи жаҳондан кўриб беихтиёр кўзимга ёш олдим, - дейди Ҳожи она Майсара Тўрабоева. - Қувондим. Менинг болам курашда эл орини олди, юрт шарафини ҳимоя қилди. Бунданда ўзгача бахт бўладими дунёда.

Ҳа, Муҳаммад Тўрабоевдан ўғиллар қолди. Улар юрт корига яраяпти. Ҳавас қилса арзийди. Ҳозир Эгамберди ҳожи фермер. Эл маъмурчилиги йўлида астойдил меҳнат қилмоқда, деҳқончилик маҳсулотлари етиштирмоқда. Тоштемир эса мураббий. Алпомишдек ўтмишдошларга муносиб, зўр, танти, қўрқмас, ботир полвонларни тарбиялаб етиштирмоқда.

Омон ШУКУРОВ,
«Mahalla» мухбири

Сиздан сўрамоқчи эдим...

***САВОЛ:** Мен кўпқаватли уйдаги бир хонадонни 3 ойга ижарага олдим. Ижара шартномалари оғзаки келишилди, ижара ҳақини олдиндан бериб қўйдим. Кейинчалик билсам, хонадондаги музлатгич ва телевизор ишламас экан. Шунинг учун мен бу хонадонда турмасликка қарор қилдим. Мен оғзаки тузилган ижара шартномаларига асосланиб, пулимни қайтариб олишга ҳақлиманми?*

Ф.КЕНЖАЕВ.
Фарғона вилояти

ЖАВОБ: Аввало, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 603-моддасига асосан, уй-жойни ижарага бериш шартномаси ёзма шаклда тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 35-моддасига асосан турар жойни ижарага бериш шартномасининг ёзма шаклда бўлмаслиги шартноманинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 114-моддасига биноан битим ҳақиқий бўлмаганида тарафларнинг ҳар бири бошқасига битим бўйича ҳамма нарсани қайтариб бериши, олинган нарсани аслича (шу жумладан олинган нарса мол-мулкдан фойдаланиш, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат билан ифодаланганда) қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса, агар битим ҳақиқий эмаслигининг бошқа оқибатлари қонунда назарда тутилган бўлмаса, унинг қийматини пул билан тўлаши шарт.

Ҳуқуқшунос Мирзаҳаким ДОНИЁРОВ жавоб берди.

Инсонга инсондек яшаши учун ҳам моддий, ҳам маънавий озуқа зарурлиги янгилик эмас. Бу икки озуқанинг қай бири муҳимроқлигини муҳокама қилишга ҳам ҳожат йўқ. Чунки ҳар иккисига бўлган талаб-эҳтиёжимиз катта. Лекин биз бир жиҳатдан - ушбу икки эҳтиёжга бўлган чанқоғимизни қай даражада ва қандай қондира олишимиз билан бир-биримиздан ажралиб турамиз.

МАҲАЛЛАГА КУТУБХОНА КЕРАК ЭКАН

БИЗНИНГЧА, ҲАР БИР МАҲАЛЛАДА КУТУБХОНА ТАШКИЛ ЭТИШ ФУРСАТИ ЕТДИ!

«Туяга янтоқ керак бўлса, бўйнини чўзар» деган мақол бор халқимизда. Дарҳақиқат, ҳар биримиз моддий фаровонлигимизни ўйлаб ўзимизни турли юмушларга, тадбирларга чоғлаймиз, дастурхонимиз тўкинлигини таъминлаш пайида бўламиз. Ўзимизнинг моддий эҳтиёжимизни англаб, тўғрироғи, чўнтагимиздаги маблағимизнинг ҳисобига етиб турганимиз учун камимизни тўлдириш, йўғини бор қилишга имкон излаймиз. Балки тилга олинган халқона мақол шу ўринда ҳам ўзини оқлар. Лекин маънавий чанқоғимиз қай даражада эканлигини биз ҳис эта, оламизми? Сезиб, уни қондириш учун «бўйин чўза оламизми»? Биз «Моддий жиҳатдан қийналдим» дея бир-биримизга бемалол айта оламиз, аммо «Менга маънавий озуқа зарур» дея зорланган кишини ким кўрибди? Тўғри-да, маънавий қолоқлигини ким ҳам тан оларди. Кўпчилигимиз бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаган бўлсак, ажаб эмас. Биз кўпроқ моддий озуқа жамғариш жараёнида, йўл-йўлакай маънавий эҳтиёжимизни ҳам бирозгина қондириб кетишга ўрганганмиз: иш орасида газета-журнал варақлаймиз, маданий-маърифий томошаларни томоша қиламиз ва ҳоказо. Бизга маънавий етук бўлиш учун ушбу тадбирлар етарлидек туюлади. Биз маънавий етуклик моддий тўкисликдан муҳимроқ деймизу, шундай бўлишга ҳамиша ҳам эришолмаймиз. Хуллас, танимизнинг тўлақонли фаолиятини таъминлаш учун бир кунда бир неча марта тамадди қиламизу, руҳимизни ташналикдан, очликдан сақлаш учун бирон тадбир қўллаш - масалан, яхши бир китобни ўқиб чиқишга бизда вақт, ҳафсала ва эътибор етишмайди. Бирон туртки сабаб бўлиб, масалан, кимнингдир қатъий тавсияси билан бирон яхши асардан баҳраманд бўлсак, «Нега бу китобни олдинроқ ўқимаган эканман-а?» деб қоламиз. Демак, биз бир-биримизни маънавий чанқоғимизни қондиришга даъват этиб туришимиз керак бўлади.

Бу китоблар маҳалладошларга маъқул бўлди

Яқинда Тошкент шаҳри Акмал Икромов тумани, Қозигузар маҳалласида худди шу мақсадни кўзлаган ажойиб тадбир бўлиб ўтди. Маҳаллага қарийб ўттиз йилдан бери оқсоқоллик қилаётган ёзувчи Мурод Мансуровнинг ташаббуси билан маҳаллада «Шарқ» нашриёт-матбаа Акцияонерлик Компанияси Бош нашриёти томонидан нашр этилган янги китобларнинг кўргазма-савдоси ташкил этилди.

- Анчадан бери маҳаллада кичик бўлса ҳам кутубхона ташкил этишни орзу қилиб юрардим. Бугундан ана шу мўъжазгина кутубхонамиз ишга тушади. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни мутасаддиларига, алоҳида Эркин Маликовга бутун маҳалладошларимиз номидан ташаккур. Улар томонидан кутубхонамизга кейинги йилларда босмадан чиққан чет эл ва миллий адабиётимиз дурдоналари тақдим этилмоқда. Маҳалламиздаги тадбиркорларимиз ёрдами билан ҳар бири 25 минг сўмлик китоб жамланмаларини йигирма беш нафар оилага совға қилдик. Китобларни танлашда оиладаги ёши катта кексаларнинг, боғча-мактаб ёшидаги кичкинтойларнинг, ўсмир ёшларимизнинг эҳтиёжини ҳисобга олишга ҳаракат қилдик. Бундан ташқари, халқимизга яхши таниш бўлган Искандар Раҳмон, Назармат каби салоҳиятли ижодкорларимиз ўз шахсий кутубхоналаридан маҳалламиз кутубхонасига бебаҳо нашрларни совға қилишди, бу китоблардан энди нафақат бизнинг маҳалла, балки ёнатрофдаги маҳаллаларнинг аҳли ҳам баҳраманд бўлади, - дейди мамнуният билан маҳалла оқсоқоли.

Дарҳақиқат, маҳалла тизимининг фаолияти фақатгина фуқароларни ижтимоий муҳофазалашдан, маҳаллани ободонлаштиришдан иборат бўлиб қолмаслиги керак. Маҳалла аҳлини маърифатли ҳамдаа, маънавий баркамол бўлишга чорлаш ҳам маҳалла йиғини зиммасидаги вазифа.

Бу тадбирнинг маҳалла аҳлини бефарқ қолдирмаганига ўзимиз шоҳид бўлдик. Махсус хизматчилар китобларни катта стол устига ёйишлари билан ҳамма бу ерга тўпланди. Қўлига китоб ушламаган одам қолмади: боболар Ҳадислар тўпламига қўшиб набиралари учун эртаклар битилган суратли китобларни, қайноналар келинларига, оналар фарзандларига, қўшнилар бир-бирларига турли бадиий, илмий-фалсафий нашрларни харид қилдилар. Айримлари кутубхонанинг шинам қироатхонасидан узоқлашмай турибоқ мутоалага киришиб кетдилар. Шу куни маҳалланинг ҳар бир оиласига ҳеч бўлмаса биттадан китоб - маънавий озуқа манбаи кириб борди.

Айни кунда кўпчилик маҳаллаларимизда бу каби кутубхоналар мавжуд. Лекин ҳар бирида эмас-да! Маҳаллада спорт майдонининг, гузарнинг, савдо расталарининг мавжудлиги маҳалла ободлигининг асосий шартларидан бири. Энди бу шартларни яна биттага кўпайтириш, яъни ҳар бир маҳаллада кутубхона яратишга киришиш фурсати етди, чамаси. Иложи бўлса, маҳалла кутубхонаси гузарда энг аввал қуриладиган иншоот бўлмоғи керак. Иқтисодий ислоҳотлар, моддий қийинчиликлар мавриди билан изга тушиб кетади, лекин маънавий бўшлиқни тўлдириш ҳаммасидан мушкул бўлиши мумкин. Бу тадбир айниқса, ёшларимиз тарбияси учун аҳамиятли, токи улар ўзларининг маънавий чанқоғини кутубхонада, қироатхонада турли маънадий-маърифий тадбирларда қондирсинлар - уларни турли диний оқимлару, гуруҳлар таъсиридан сақлашнинг энг мақбул йўли бу. Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, кутубхонани ташкил этишнинг ўзи кифоя эмас, унга каттаю кичикни жалб этиш, инсонларни ўзларининг маънавий эҳтиёжларини қондириб туришларига ундаб туриш, ва бунга эришиш лозим.

Қўшни, мана бу янгиликни қаранг!

Мавлуда ҚОСИМОВА,
«Mahalla» мухбири.

Яқин Шарқдаги вазият тобора алангаланмоқда. Томонлар муросага интилмаяптилар. Фаластиннинг бир қанча шаҳарлари танклар билан қуршаб олинган. Ё.Арофатнинг қароргоҳи ҳам қуршовда. Исроил бош вазири А.Шарон мамлакатини уруш ҳолатида деб айтган. Исроил аскарлари Фаластинни қўллаб намойишга чиққан юзга яқин асосан европаликларни тарқатиб юборган.

***

Эрон ташқи ишлар вазири Камол Харрозий Малайзияда ўтаётган Ислом давлатлари ташқи ишлар вазирларининг конференцияси қатнашчиларидан Исроил давлати билан алоқани узишга чақирди. Ушбу конференцияда жаҳондаги 56 давлатнинг вакиллари қатнашмоқда. Улар БМТ бош котибидан Исроил давлатига нисбатан санкциялар қўллашга чақирдилар.

***

АҚШ президенти Яқин Шарқдаги ҳозирги аҳволга муносабат билдириб Фаластин раҳбари Ё.Арофатдан террорчиларни жиловлашга, Исроил бош вазири А.Шаронни музокаралар йўлини беркитмасликка чақирган. АҚШнинг собиқ миллий хавфсизлик масалалари бўйича президент маслаҳатчиси З.Бжежинский АҚШнинг бу вазиятни ечишда асосий рол ўйнаши мумкинлигини таъкидлаган.

***

Ўтган якшанбада Украина Олий Советига бўлиб ўтган сайловларда асосан мамлакатнинг собиқ бош вазири В.Ющченко бошчилигидаги «Бизнинг Украина» коммунистлар ҳамда президент томонидаги «Ягона Украина учун» ҳаракатлари голиб чиқиб парламентда кўп ўринга эга бўлдилар.

***

Афғонистондаги тинчликни сақлаш кучларига олти ой мобайнида Туркия қўмондонлик қиладиган бўлди. Бу ердаги шароитни ўрнатиш учун Туркия делегацияси Афғонистонга келди. АҚШ ҳукумати бу ишларга яна 120 млн. доллар ажратган.

***

Арманистон президенти Роберт Кочерян Ўрта Осиё ва Кавказ ортида геополитик вазиятни ўзгараётганлиги туфайли коллектив хавфсизликнинг бундан кейинги аҳволи масалаларини муҳокама қилиш мақсадида Душанбега ташриф буюрди. Юқори мартабали меҳмон Тожикистондан кейин Қирғизистонга боради.

***

Кеча Манчестрда (Англия) Голландия авиакомпаниясига қарашли Амстердам томон учаётган самолёт ундаги электр тармоқларининг носозлиги туфайли ҳалокатга учрада. Бунинг оқибатида беш киши нобуд бўлди.

***

Хитой ўзининг навбатдаги учувчисиз бошқариладиган космик кемасини учириб муваффақиятли ерга қўндирди. Мамлакат олимлари энди астронавтни учириш 2005 йилга бориб эса Ойга одам чиқаришга тараддуд кўрмоқдалар. Хитой қозирда Россия ва АҚШдан кейинги космос сари йўл олган давлат бўлиб қолди.

Маҳаллангиз кутубхонасига янги рисола

КЎПЧИЛИККА КЕРАКЛИ КИТОБ

Динлар тарихи, пайғамбарлар, авлиёлар, фалсафа ва унинг оқимлари, маънавият ва маърифатга бағишланган китоблар бисёр. Албатта, уларнинг ҳаммасини ўқиб чиқиш учун жуда кўп фурсат зарур. Дейлик, сизга биронта шошилинч маълумот керак бўлиб қолди. Бир талай китобни титкилаб ўқиб чиқишга эса вақтингиз йўқ, бошқалардан сўраш ҳам ноқулай...

Шундай пайтда маълумотнома шаклидаги китобга эҳтиёж сезасиз ва беихтиёр уни излашга тушасиз. Хўш, шундай китоб борми ўзи десангиз - жавоб тайёр: Абдулҳай Абдураҳмоновнинг «Саодатга элтувчи билим» деб аталган кенг қамровли китобини олиб ўқинг. Унда ўтмиш пайғамбарлар, диний таълимотлар, уларнинг тарихи мухтасар тарзда баён этилган. Хусусан, зардуштийлик дини, «Авесто» китоби ҳақида яхшигина маълумот берилган. Шунингдек, дин, фан ва фалсафага оид бир қанча масалалар таҳлил марказига қўйилган. Таъкидлаш жоизки, бундай муносабат янгича дунёқараш маҳсули бўлиб, қамров жиҳатидан йирик тадқиқотларга манба бўла олади.

Китобда турли диний тарбияга доир қизиқарли ва шу билан бирга хийла баҳсталаб таклифлар ҳам биллирилган. Шу ўринда айниқса тасаввуф таълимоти ва бошқа тариқатлар тўғрисида зарур маълумотлар келтирилганини қайд этиш жоиз. Бу фикрни фалсафа фани ва ундаги оқимларга тегишли бўлган мақолаларга нисбатан ҳам айтиш мумкин.

Яна бир эътиборли жиҳати шундан иборатки, китобда фалсафадаги йирик оқимларнинг ўзаро кураши ҳаётий зарурат оқибатида вужудга келган, деган фикр илгари сурилган. Бу ҳодисани таҳлил этган муаллиф манфий ва мусбат томонларнинг кураши табиий қонуниятдир, деган хулосага келади. Бундай ёндашув диққатга сазоворлиги баробарида бир неча мунозарали фикрларни ҳам туғдиради. Маълумки, фалсафа тарихида узоқ вақт идеализм оқими ҳукмрон мафкура вазифасини ўтаган. Китоб муаллифи эса идеализм ва моддиюнчилик оқимлари доимо тенг ва кескин бўлган, деган қараш тарафдори. Бундай қараш моддиюнчиларнинг фалсафа тарихи материализм ва идеализм оқимларининг курашидан иборат, деган сунъий ғоясининг ўзгинасидир. Ҳолбуки, бугунги кунда фалсафа фанида синергетика таълимоти етакчи мавқега эга. У эса, маълумки, моддиюнчиликни рад этади. Синергетика диалектик усулнинг давоми - янгича тафаккур усули бўлиб, табиат ва жамият моддият ва маънавият, турли табақа ва гуруҳлар ўртасидаги зиддиятли муносабатларни бўрттириш ўрнига уларнинг ҳамкорлиги, бирлиги ҳақида фикр юритиш лозим, деган ғояга асосланган. Маълумки, диалектикада қарама-қарши томонлар кураши абадий, уларнинг бирлиги эса нисбий деб ҳисобланади. Нарса-ҳодисалар ўртасидаги зиддият зарурий қонуният дея баҳоланиб, тадрижий ва инқилобий ўзгаришларда инқилобийлик устунлик қилади, дейилади.Синергетика эса дилектикани тўлдириб, тараққиёт кескин инқилобий ўзгаришлар шарт эмас, деган ғояни илгари суради. Бу оқим тарафдорлари олам тараққиётида аста-секин, узлуксиз, босқичма-босқич ўзгаришлар қонуний ва устивордир, деган хулосага келишган.

Дарҳақиқат, ҳозир мамлакатимизда ҳам босқичма-босқич ривожланиш жамиятимизнинг бош тамойилидир.

Китобда агар фан воқеаҳодисаларнинг фақат шаклидан баҳс юритса, фалсафа уларнинг рўй бериш сабабларини тушунтиради, деган мулоҳаза билдирилган. Ваҳоланки, сабабий боғланиш универсал боғланишнинг бир кўринишидан ҳисобланади.

Китобда фан ва дин муносабати теран таҳлил этилган. Бироқ тарихда бу масала қандай кўринишда бўлган,деган саволга етарлича жавоб берилмаган.

Ўрта асрда кенг ривожланган тасаввуф тариқатлари ва уларнинг аҳамияти ҳам китобда яхши ёритилган. Нақшбандия тариқатининг «Дил ба ёру даст ба кор» деган машҳур шиорининг моҳияти батафсил шарҳланган. Бироқ тариқатлар дин ва фалсафа муносабатлари нуқтаи назаридан кенгроқ муҳокама этилса, бундан ташқари, тасаввуфнинг ҳам диний, ҳам дунёвий таълимот экани яхшироқ очиб берилса, янада дуруст бўларди.

Хулоса сифатида шуни айтиш лозимки, айрим жузъий камчиликларидан қатъи назар, Абдулҳай Абдураҳмонов ҳамма учун керакли китоб яратган. Китобда шакл ва йўналиш талабидан келиб чиққан ҳолда кўзланган мақсадга тўлиқ эришилган дейиш мумкин. Негаки, бундай кенг қамровли тадқиқот ишида муайян қусурлар ҳам учраши табиий. Лекин уни ўқиб чиққан ҳар бир китобхон кўплаб турли-туман маълумотларга эга бўлиши, маънавий ва маърифий жиҳатдан яна бир поғона юксалиши шубҳасиздир.

Асқар КОМИЛОВ,
Феруза ЁҚУБОВА.

Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» хайрия жамғармаси қошидаги «Маҳалла муруввати» масъулияти чекланган жамияти Сизга қуйидагиларни сотиб олишни таклиф қилади:

1. Махсус ишчи қўлқоплар - нархи 200 сўмдан 250 сўмгача;
2. Ишчилар учун кийим-бош ва махсус иш кийимлари - нархи 2500 сўмдан 3000 сўмгача.

Шунингдек, 800 дан ортиқ тикув жараёнини бажарадиган, Германияда ишлаб чиқарилган компьютерлашган «PFAFF» русумли тикув машиналари ва махсус асбоб-ускуналари билан жиҳозланган «Кичик тикув цехи» ҳам сотилади. Нархи келишилади.

Савдо-сотиқ ишлари лизинг асосида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Мурожаат учун телефонлар:46-83-03, 139-05-25.

Куйинчак газетхон мактуби

Мен кўп йиллар мактабда ўқитувчилик қилдим, ҳозир нафақага чиқиб, кексалик гаштини сураяпман. Кундалик газета ва журналларни ўқиб бораман. Бир куни Марғилон шаҳрига тушдим. Газета дўконидан «Mahalla»нинг бир сонини сотиб олдим.

«MAHALLA» НЕГА МАҲАЛЛАМИЗДА ЙЎҚ?

Ундаги кўпгина мақола ва суҳбатлар менга маъқул бўлди. Кейинчалик қидириб қолиб бир қанча маҳаллалар идораларига, ҳатто туман кутубхонасига бориб бу газетанинг бошқа сонларини ахтардим. Аммо топа олмадим. Шунда ўйлаб қолдим. Наҳотки бутун бошли маҳалла бир донагина газетага обуна бўлолмасаё? Агар бу газета аҳалли маҳалла идорасига келиб турса эди, биз кексалар ундан доимо баҳраманд бўлиб турардик-да.

Нурмуҳаммад ҲАЙДАРОВ,
Фарғона вилояти Ёзёвон, Сойбўйи қишлоғи.

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ ҚЎЛИМИЗДА ТАҚДИРИМИЗ ЭСА УЛАР ҚЎЛИДА

Бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги ислоҳотларни чуқурлаштириш айниқса мулкка эгалик ҳисси, тадбиркорлик фаолиятини кучайтириш фуқароларимиз ҳаётинигина эмас, балки жамиятимиз ҳаётини яхшилашга, давлатнинг мустаҳкамланишига асос бўлади.

Инсонларнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатларини тартибга солишда эса бой ва гўзал маънавият юқори ўрин тутади. Иқтисодиёт ва маънавият бир-бири билан ҳар доим уйғун бўлиб келган.

Бозор муносабатлари тадбиркорлик, таваккалчилик ва ишбилармонлик ва билим билан бевосита боғлиқ кечади.

Тадбиркор маърифатли, янгиликка интилувчан, ҳозиржавоб, тежамкор, уддабурро, сабр-тоқатли, ҳалол ва фаросатли, инсофли, сахий, адолатли ва меҳнатсевар бўлиши керак. Ушбу ахлоқий фазилатларга суянган инсон бировнинг ҳақига, мулкига хиёнат қилмайди, ҳалол меҳнати билан бойлик яратади.

Абдулла Авлоний «Тарбия - бизлар учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир» деган эди. Бу фикрлар айни вақтда ҳам долзарблигини йўқотмаган. Тарбияга ҳар биримиз ўз улушимизни қўшишимиз, инчунун, бизга ёт мафкураларни ёшларимиз онгига сингдиришга урунишлар, ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка ружу қўйиш каби иллатларнинг олдини олиш зарур.

Президентимиз баркамол авлодни вояга етказиш мустақил Ўзбекистон ривожининг устувор йўналиши деб белгилаб берди. Албатта мақсадимизга эришиш учун кўп меҳнат қилишимиз зарур. Ҳар бир фуқаро келажагимиз равнақи учун ўз билимини ошириши, янгича фикр билан яшамоғи лозим.

«Дунё тилсим, китоб унинг калити» - деб бежиз айтилмаган. Шу ўринда тарихий, маданий-маърифий, санъат, табиат, тиббиёт, урф-одат, анъаналаримиз, динимизга, шеъриятга, сиёсий-ҳуқуқий ва инсонларнинг яратган кашфиётларини ўзида акс эттирувчи китоблар руҳиятимизнинг юксалишига зарурий манба бўлиб хизмат қилади.

Фарзандларимизда китобга бўлган қизиқиш, шахсий кутубхонага эга бўлиш каби хислатларни шакллантириш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир.

Ёшларимизда ўзликни англаш, мустақил фикрлаш, бой тарихий-маънавий меросимизни, умуминсоний қадриятларни билиш, китоб орқали шаклланади. Ривожланган мамлакатларда оила бюджетининг йиллик даромадидан камида 15-10 фоизи болаларнинг билим олишига сарфланар экан.

Мустақилликни қадрловчи, уни мустаҳкамлашга қодир бўлган ёшларни тарбиялаш учун аввало уларнинг билим олиши, кўп китоб мутолаа қилиши йўлида назоратни кучайтиришимиз ва сармояни аямаслигимиз керак. Шундагина чин ўзбекона ахлоқли, одобли, мард ва самимий, ташаббускор, ор-номусли ва энг асосийси юксак билимга эга бўлган ёшларни тарбиялашга эришамиз. Зеро, юрт келажаги тадбиркор ва маърифатли ёшлар қўлидадир.

Акмал ИНОҒОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси тингловчиси.

Маҳалла яратган театр

Уйғонишлар даврини бошлаб берувчи миллий байрамимиз Наврўз тантаналари арафасида Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳомийлигида, «Ўзбек тили» маркази ва Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Янгиобод маҳалласи қошида ташкил этилган «Мерос» урф-одатлар театри ижросида «Заҳарли томчи» деб номланган драманинг тақдимоти бўлиб ўтди.

КЎЗ ҲАМ БОТИР, СЎЗ ҲАМ

Янгиобод маҳалласи фуқаролар йиғини хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Инобат Турсунова сценарийси асосида ва режиссер Қаҳрамон Саъдуллаев, рассом Бобониёз Қурбонов бастакор Анвар Эргашевлар ҳамкорлигида яратилган бу асар Ўзбекистон Миллий Академик драма театри саҳнасида намойиш этилди.

Биз учун турли йўналишлардаги халқ театрлари янгилик эмас. Азал-азалдан ҳам маълум гуруҳлар одамлар кўп тўпланган жойларда кичик-кичик томошалар кўрсатишган. Бу томошаларни улар ҳеч қандай кўрсатмаларсиз, ўз дил эҳтиёжларидан келиб чиқиб тайёрлаганлари учун уларда ҳақиқат бўёқлари қуюқроқ бўлган. Ҳар бир хатти-ҳаракатга шубҳа билан қарайдиган мустабид тузум даврида халқ театрлари бирин-кетин тугатилди.

«Мерос» урф-одатлар театрининг иш бошлагани - мустақилликнинг, озод сўз айтишнинг яна бир имконидир.

Маҳаллада одам панада яшай олмайди. Уни ҳар томондан доим синчков кўзлар кузатиб туради. Ушбу драма муаллифи ҳам асосан ҳаётий кузатишларини қаламга олган. У асримиз вабоси гиёҳвандлик муаммосига шунчаки четдаги одам сифатида эмас, аввало аёл, она бўлиб ёндошган. Ижрочилар ҳам профессионал артистлар эмас. Маҳаллалардаги оддий инсонлар, иқтидорли ёшлар, - дея фикр билдирди Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Аъзамжон Гадойбоев тақдимот маросимида. Икки фарзанднинг онаси Фаридахоним пул топиш илинжида бошқа шаҳарга савдо-сотиқ ишларига киришиб кетади. Балоғатга етган ўғли ва қизини ҳафталаб ёлғиз қолдириб сафарда юришларига оила бошлиғининг, яъни болаларининг отасининг оилани ташлаб ғилмайди. Ёмон ўғил ҳам, ёмон қиз ҳам аввал ё ғофил, ё лапашанг ё ношуд ота бор оиладан чиқади. Она-боланинг суҳбатидан шу нарса аён бўладики, Фариданинг ўғли Аброр онасининг молларини дўконда сотади, унинг гиёҳванд йигитларга ўралашиб қолганидан синглиси Зебо хабардор бўлади. Она эса Зебонинг акаси хусусидаги куйинчак гапларини эшитмай, навбатдаги тижорат сафарига жўнайди.

Жамжид, Нилифар, Гули, Рашидлар иштирокида саҳнада кечаётган воқеалар гиёҳвандлик балоси фақатгина бойлик истагида юрган бир кишининг эмас, унинг атрофидаги бефарқ, ғофил одамларнинг фожиаси эканлиги очила боради.

Миллати шаънини ор-номус масаласи деб билган одам кетганига ағдаради.

Бир жиҳатдан бу айбномада жон бор. Қайси эркак оталик, оғалик ёки инилик рутбасида маҳкам туриб берса, ўша хонадонда муаммо туғилмайди. Ёмон ўғил ҳам, ёмон қиз ҳам аввал ё ғофил, ё лапашанг ё ношуд ота бор оиладан чиқади. Она-боланинг суҳбатидан шу нарса аён бўладики, Фариданинг ўғли Аброр онасининг молларини дўконда сотади, унинг гиёҳванд йигитларга ўралашиб қолганидан синглиси Зебо хабардор бўлади. Она эса Зебонинг акаси хусусидаги куйинчак гапларини эшитмай, навбатдаги тижорат сафарига жўнайди.

Жамжид, Нилифар, Гули, Рашидлар иштирокида саҳнада кечаётган воқеалар гиёҳвандлик балоси фақатгина бойлик истагида юрган бир кишининг эмас, унинг атрофидаги бефарқ, ғофил одамларнинг фожиаси эканлиги очила боради.

Миллати шаънини ор-номус масаласи деб билган одам очликдан силласи қуриса ҳам ўз миллатдошларига гиёҳванд моддалар сотмайди. Ўз нафсининг қулига айланган кишигина гиёҳванд моддани пивоғами, сақичгами қўшиб яна минг бир усулу йўлларни топиб ёшлар ҳаётини заҳарлаши мумкин. Драмада жамиятга бирон фойда келтириш у ёқда турсин, унга зиён келтираётган, келажак авлодни гиёҳванд моддалар билан заҳарлаётган кимсаларга нисбатан кескин ҳукм чиқарилади. Бу ҳукмларда томошабинни фикрлашга даъват этувчи чуқур ҳақиқатлар бор.

Гиёҳвандликдан топилган ҳаром пуллар ҳаром қўлдан ҳаром қўлга ўтаверади. Бу пул асосига қурилган ошначилик ҳам, борди-келди ҳам аслида душманликдир. Шунинг учун улар бир-бирларини сотадилар, бир-бирларинга қурол ўқталадилар. Гиёҳвандликнинг сўнги - ҳалокат.

Аброрнинг фожиали ўлими шундай хулоса беради томошабинга.

Сафардан тўлиб-тошиб қайтган она ўғлининг ўлими устидан чиқади, ақлидан озади. Хато хатоларни бошлаб келади.

Қариндошлик никоҳидан руҳий нуқсон билан туғулган Бахтий асар якунида очилмай қолган тилларида нимадир демоқчи бўлади, гўёки фожеанинг сабабларини айтгандай бўлади, аммо тушунтира олмай эзилади...

«Мерос» театрининг барча иштирокчилари ўзлари яратган образларни жуда ихлос билан ўйнаганлар. Айниқса, Бахтий ва Жамшид образини яратган йигитлар ижросининг табиийлиги асарни ҳаётийлаштирган.

Мен ора-чорада ён-атрофимдаги томошабинларни кузатдим: кўпи маҳаллалардан келган аёллар, онахонлар, мўйсафиллар... Уларда қалби яралаган онага, бевақт хазон бўлган йигитга ачиниш зоҳир эди.

Демак, асар ўз вазифасини бажаришга қодир.

Ҳеч ким: «Қамалди, ажаб бўлди, баттар бўлсин», ё «Боланг ўлди, сендақаларнинг жазоси -шу» демади. «Эсизгина» деди, «афсус» деди.

Санъатнинг вазифаси эзгу ҳислар уйғотиш.

Инобат Турсунованинг «Заҳарли томчи»си ҳам ана шу курашда қатъий бир сўз бўлиши шубҳасиз.

Қутлибека РАҲИМБОЕВА.
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Андижон вилояти

ЮЗ ЁШЛИЛАР ЮЗЛАШДИ

Избоскан туманининг Акмал Икромов маҳалласида катта шодиёна ўтказилди.

Маҳалла хотин-қизлари саъй-ҳаракатлари билан дошқозонда сумалак пиширилди. Байрам дастурхонига баҳорий таомлар алоҳида файз киритди.

Маҳалланинг 100 ёшни қаршилаган пиру бадавлат нуронийлари - Моҳирабуви Долимова, Турғуной Сойназарова, Олимжон Тожибоев, Исмоилжон Бегалиевларга алоҳида ҳурмат кўрсатилди. Шунингдек, кам таъминланган 30 нафар оиланинг ҳар бирига байрам совғалари берилди.

Адаҳамжон ОМОНБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Тошкент шаҳар

НАВРЎЗГА НАВРЎЗ КЕЛДИ

Ўлкамизга ҳар қандай байрам, тантана ярашади. Аммо Наврўзнинг шукуҳи жуда ўзгача.

Юртимизда баҳор байрами - Наврўз шодиёналари давом этмоқда. Деярли ҳар бир маҳалла гузарида, майдонларида катта қозонлар осилиб, маҳалла аҳлига, узоқ-яқиндан келган меҳмонларга наврўзий таомлар, сумалак тортилмоқда, ошлар дамланмоқда.

Худди шундай файзли тадбир бизнинг Наврўз номли маҳалламизда ҳам бўлиб ўтди. Тадбирга йиғилган маҳалла аҳли ва меҳмонлар баҳорий таомлар билан сийландилар, таниқли санъаткорларнинг чиқишларидан баҳраманд бўлдилар. Бу тадбирга каттаю кичик бирдек ҳозирланди, айниқса маҳалламиз ҳудудидаги боғча тарбияланувчилари - кичкинтой ўғил-қизларимизнинг куйрақслари кўзларимизни қувнатиб, дилларимизни яшнатди. Қисқаси, Наврўз деб номланган маҳалламизда Наврўз байрами ўзига хос, номига мос тарзда ўтди.

Марҳамат АЛИМОВА,
Юнусобод тумани Наврўз маҳалласи хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси.

Қалб жароҳати

Олти яшар Жасурбек кутилмаганда йўқолиб қолди. Оиланинг тинчлиги бузилди. Наҳот бирор фалокат бўлган бўлса... Қидирилмаган жой, кузатилмаган хонадон қолмади. Тавба, куппа-кундуз куни бир зумда қаерга кетиши мумкин. Кунлар ўтиб борар, лекин нажот йўқ эди. Шундан кейингина бу ҳақда ноилож милицияга хабар қилишди.

Қидирув ишлари бошланиб кетди. Кузатувлар, ўзига хос сўроқлар, тахминлар воқеа узоқда эмас, шу атрофда содир бўлганлигидан дарак берарди...

Тахминлардан энг эътиборлиси эса бунгача бўлиб ўтган мана бу воқеага боғланиб борарди:

ҚАСОС

Бу ожиз қалбнинг ёвуз мероси

...Кунлардан бирида Асомиддин Самадовнинг ўғлининг тўйига атаб боқиб юрган ҳўкизи йўқолди. Сўраб суриштирди, қўшни қишлоқларгача қидирди, лекин топа олмади. Якшанба куни Чоршанба қўрғонидаги мол бозорига чиққан Асомиддиннинг укаси Камолиддин ҳамқишлоғи Сайфулланинг сотиш учун ҳўкиз ушлаб турганини кўрди. У қайта-қайта айланиб, ҳўкиз акасининг йўқолган ҳўкизи эканлигига тўла қаноат ҳосил этди.

-Қаердан олдинг, акамнинг молику бу, -деди Камолиддин ишонч билан.

-Мол-молга ўхшайдида, қанақасига акангники бўлсин, - эътироз билдирди Сайфулла.

Одамлар тўпланди, тортишув авжига чиқди. Ва ниҳоят Камолиддин ҳўкизни акасиникига етаклаб келди.

Кейин маълум бўлишича, бу ишни мол эгаси билан қўшни бўлган Анвара бошлаб берган экан.

Анвара қўшниси Асомиддиннинг томорқасида боғлаб қўйилган қорамолни ҳеч кимга билдирмай ўғирлаб, отасиникига олиб боради. Кичик укаси Жонибекка бу молни бир таниш кишидан донга алмаштириб олганлигини айтиб, «Сайфуллага айт, буни тезроқ сўйиб сотсин» деб тайинлайди. У эса ташвишдан қочиб бозорга олиб чиқиб пуллашни афзал кўради. Мол ўғирлик экани аниқлангач ва ўғри қўлга тушгач Асомиддин молни қидириш учун сарф қилинган 10 минг сўм харажатни ҳам қўшнисидан ундириб олади ва бу ҳақда маъмурий органларга хабар қилмайди. Шундан кейин қўшнилар ўртасида келишмовчилик, паст-баланд гаплар бошланади. Анвара қилмишига пушаймон бўлиш, айби учун қўшнисидан кечирим сўраш ўрнига...

Анвара эрталаб катта ўғли Иноможнни мактабга кузатиб, кичиги Исломжонни эргаштириб келаётганда Асомиддиннинг ўғилчаси Жасурбек «Бирга ўйнаймиз, Ислом», дея уларга эргашади. Хотин ҳеч қандай эътироз билдирмай уни ҳовлидаги овқат пиширишга ажратилган хона томон бошлайди. «Болани бу ерга келганини ҳеч ким кўрмади шекилли» дея унинг кўнглидан қабиҳ ният ўтади. Ҳеч нарсадан хабарсиз гўдаклар ўзларича чуғурлашиб ўйин бошлашади. Нимадандир келиша олмай тортишиб ҳам қолишади. Жасурбек алам устида болаларча «Сенинг онанг ўғри, ҳе ўғрининг боласи» деб қолади. Ана шу биргина сўз хотинда кўпдан пайдо бўлган қасос олиш чўғини алангалатиб юборади. Исломжон ташқарига чиқиб кетади. Бундан фойдаланган Анвара Жасурбекни қўлидаги калтак билан савалай кетди. Бечора гўдак оғриқ азобидан дод солди, жон талвасасида қочмоқ-қа интилди. Аммо сира имкон топа олмади. Боши, бели, елкаси...га тушган кетмакет кучли зарблардан ҳушини йўқотди.

...Гўдакнинг чала жон ҳолати, зўрға чиқаётган нафаси мунофиқ хотиннинг кўнглини сира юмшатмади. Аксинча у янада ғазабга минди... «Йўқ бу ҳали сенга кам. Қонингни ичмасам, ота-онангни зор қақшатмасам аламимдан чиқмайман» дея титроқ ва саросима билан хонани гир айланарди хотин. «Энди нима қилмоқ керак?» У ўз-ўзига савол бериб атрофга аланглаб боқаркан, кўзи газ плитаси устида қайнаб ётган чойнакка тушди. «Ҳа топдим, энди кунларнинг битди сен болакайнинг.

Анвара бироз талвасаланиб қолди. У кўпроқ биров келиб қолиши, сир ошкор бўлишидан ҳадиксирарди. Мурдани хона бурчагида босиб қўйилган ўт поялари остига яширди.

Қидирув ишлари давом этар, гумондорлар сўроқ қилинар, аммо сир тугуни ечилмас эди. Милиция ходимларининг гумони баъзида қўшнилар бошига тушган оғир кулфатдан ўзини қайғургандек кўринишга уринаётган, баъзи «Ҳадеб қайта-қайта текширверишларинг жонимга тегди» деб нолишга тушаётган Анвадан эди.

Илҳомжон Қурбоновнинг (Анваранинг эри) хонадони арининг уясига айланди. Бирор лаҳза тинчлик йўқ. Қидир-қидирлар, суриштирувларнинг аччиқ таъна ва дашномлари, қарийиб ҳақоратомуз гап-сўзлар унижонидан тўйғазди. Қолаверса унинг ўзида ҳам хотинидан хавотири йўқ эмасди. Илҳомжон хотинини «Шамол бўлмаса дарахтнинг барги қимирламайди. Кўраяпсан, ҳамманинг гумони сендан. Бундай ёвузлик сенинг қўлингдан келади» дея сиқувга оларди.

-Одамларнинг оғзига элак тутиб бўладими? Нима деб жаврашса-жаврашаверсин. Мен бундай номаъқулчиликка қўл урганим йўқ, вассалом, - деди у қатъий.

- Молни ўғирлаганда ҳам худди шундай дегандинг, сен номард. Хотинининг сўзларидаги ишончсизлик, талваса, аҳён-аҳёнда ўзини йўқотиб қўйиши эрининг гумонини янада кучайтирди. У фурсатни бой бермай хотинининг ота-онаси, укаларига одам юборди. Биргалашиб қилинган сўнги «ҳужум»дан сўнг Анваранинг ҳақиқатни тан олишдан бошқа иложи қолмади.

Суд адолатли ҳукм чиқарди. Жиноятчи Анвара Алиева 20 йилга озодликдан маҳрум қилинди. Мол ўғирлашда опасига ҳамроҳлик қилган Сайфулла ҳам қилмишига яраша жазосини олди.

Шаҳрисабз туманида содир этилган бу мудҳиш воқаега шу ерда нуқта қўйиш мумкин эди. Аммо...

Аввало аёл кишининг, бола деган дунёнинг ягона неъмати лаззатини ўз тажрибасида, бағрида синаб кўрган онанинг шундай пасткашликка қўл уришига сира ақл бовар қилмайди. Адоват бир хонадонни ярим, иккинчисини буткул емирди. Анвара умрининг энг гуллаган даврини темир панжаралар ортида ўтказади. Эрининг, энди оёққа турган болаларнинг аҳволи не кечади? Унинг ота-онаси, қариндош уруғлари эл ичида қандай бош кўтариб юришади?

Биринчи ўғирлик содир этилганда ортиқча андишага берилмай, унинг сабаблари чуқурроқ ўрганилиб, кескинроқ чора кўрилганда балки бугунги мудҳиш жиноят содир бўлмасмиди.

Шу ўринда яна бир жирканч ҳолат кишининг ғазабини келтиради. Бу қасос масаласи. Ўйлаб кўринг, Анвара кимдан кўрган қайси жабрлари учун қасос олишга ҳақли? Ахир ўғирликни унинг ўзи содир этган, гуноҳга у ботган бўлса яна қандай қасос ҳақида гап бўлиши мумкин. Аксинча у қилмишига пушаймон бўлиб узр сўраши вожиб эдику. Яна даҳшатлиси қасос тамоман бегуноҳ, она сути оғзидан кетмаган гўдакдан олинадими? Бу ёвузлик учун ҳар қандай жазо кам.

«Қасос-ожиз қалбнинг ёвуз мероси» дейди халқимиз. Ундан яратганнинг ўзи асрасин.

Р.ҚУШОҚОВ,
Қашқадарё вилояти судининг судяси,
Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Баҳор кайфияти

Саёҳат ва хаёлот

САМОГА САЁҲАТ...

200 ЙИЛГА!

NASA аъзоларининг анъанавий учрашувида америкалик олим Жефри Лэндис ўзининг ажабтовур лойиҳасини муҳокамага қўйди.

Катта шов-шувга сабаб бўлган ушбу лойиҳа ҳар қандай фантастика асарига асос бўлишга лойиқ. Унга кўра яна тахминан 50 йилдан кейин кичик шаҳарчадек ҳажм ва қулайликларга эга бўлган фазо кемаси 180 нафар кўнгилли сайёҳлар билан Қуёш системасига учирилиши мумкин. Сайёраларо сафарга чиқувчи сайёҳлар кемадаги егулик заҳиралари тугагач, унинг ўзида мавжуд бўлган иссиқхоналарда турли мева-сабзавотларни етиштириш, жониворларни кўпайтириш имконига эга бўладилар. Баҳайбат фазо кемаси бир йўла миллион тонна юкни кўтара оладиган бўлар экан. Муҳими, саёҳат давомийлиги 200 йилга мўлжалланган ва турли гапки бундай саёҳатга соғлиги ҳам, иродаси ҳам мустаҳкам, жасоратли, айни пайтда тарқи замин инсонлар танлаб олинади, табиийки, бу инсонлар Ерга қайтмайдилар. Умуман, ўзга сайёрада кечадиган бу ҳаёт давомида ўн авлод алмашади. Бордию, саёҳатга фақат аёллар борадиган бўлса, сунъий уруғлантириш учун керак асбоб-ускуналарни ҳам катта кемага жамлаб олишга тўғри келади. Олим Лэндиснинг фикрича, самовий саёҳатга фақат аёлларнинг жўнатилиши лойиҳа қийматини арзонлаштиради ва бир жинсли кишилар ўртасида ҳамкорлик ва жипслик каби фазилатлар тезроқ шаклланади ва мустаҳкамроқ бўлар эмиш. Бу масала юзасидан бир қатор нуфузли руҳшунос олимлар бўлакча фикр билдирмоқдалар: режалаштиралётгандек таваккал ва хавфли сафарга бир оилада бир неча йил яшаган эр-хотинларни жўнатиш керак. Чунки бир неча йилни ҳамкор ва ҳамнафас бўлиб ўтказиган кишилар турли таҳликали ёки кутилмаган вазиятларда бир-бириларини бегона ёки бир жинсли кишиларга қараганда яхшироқ тушунадилар ва ҳақиқий ҳамжиҳатликка қодир бўладилар.

Ўринли савол туғилади: бундай саёҳатни уюштиришдан асосий мақсад нима? Фазо сирларини тадбиқ этиш мақсадига бу лойиҳада ўрин берилмаган. Жаноб Лэндиснинг ўзи бу саволга қуйидагича жавоб берган: «Коинотда ҳеч нарса абадий эмас. Бизнинг планетамизда ҳаётни таъминлаб турган улкан энергия манбаи бу - Қуёш. Лекин унинг иссиқлик қувватининг ҳам чек-чегараси бор. Демак, бир кун келиб, биз ерликлар хоҳласак-хоҳламасак ўзимизга бошқа яшаш манзили қидиришимизга тўғри келади. Ва шубҳасизки, бизнинг бу қидирувларимиз сайёраларо кечади, бу - биз ерликлар бошқа биронта сайёрани ўзимизнинг мустамлакамизга айлантиришга мажбурмиз деганидир. Лойиҳамиз амалга ошадиган бўлса, сайёҳатчиларимизни ерлик мустамлакачиларнинг энг биринчи гуруҳи деб аташ ҳам мумкин. Умуман, бошқа сайёралик мавжудотларнинг бу каби «юриш»ларни аллақачон бошлаб юборганликларини, уларнинг Еримизга ҳам беҳисоб марта «меҳмон» бўлганликларини ҳисобга оладиган бўлсак, бизнинг лойиҳамизнинг амалга ошиши ва ундан кўзлаган мақсадимиз асло янгилик эмас!»

Жаноб Лэндис лойиҳа моҳиятини жуда содда ва юзаки изоҳлаган кўринади. Бу фикримизни лойиҳа муҳокамага қўйилган кундан бери турли соҳа кишилари ўртасида авжга чиққан тортишувлар ҳам тасдиқлаб турибди. Лойиҳа юзасидан билдирилаётган фикрлар шу қадар қарама-қарши ва ранг-баранги, лойиҳа амалга оширилиши керак бўладиган эллик йил муддат ичида жаноб Лэндиснинг ўзи ушбу лойиҳасидан воз кечиб юбориши ҳам ажаб эмас. Ҳозирча эса, бу лойиҳа яратилажак афсонавий фильмнинг ғоясига ўхшаб турибди, холос.

М.ИСЛОМОВА тайёрлади.

МУНАЖЖИМЛАР МАВҲИРИ



ҚЎЙ (21.03-21.04)
Мақсадга етиш учун ҳар қандай усул ҳам соз, деган тушунча доимо ҳам ўзини оқлайвермайди. Турли таваккал «ўйин»ларда иштирок этишдан ўзингизни тийинг, шунда айбсиз айбдор бўлиб қолмайсиз.

БУЗОҚ (22.04-20.05)
Шу уч-тўрт кун ичида сизга ҳайрихоҳ бўлмаган кишиларнинг бунчалик кўпайиб кетганига ўзингиз ҳам ҳайрон қоласиз. Улар кишибилмас сизга бирон зиён етказишлари мумкин. Узоқ сафарга чиқишга тўғри келса, йўл ҳаракати қоидаларидан асло чекинманг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Шу кунларда диққатингизни бир ерга жамлаб, эҳтиёткорлик билан иш кўринг. Ҳамма ахборот ва хабарларга ишонаверманг, нотўғри маълумот асосида хато қилиб қўясиз. Лекин бу ҳафтадаги ғайрат-шижоатингизга ҳавас қилса арзийди.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Сиздаги ортиқча ишонувчанлик, ва соддалик қатор муаммоларга кўмилиб қолишингизга сабаб бўлади. Ҳар қандай катта фойда келтириши мумкин бўлган ишларни ҳам қонун чегарасидан чиқмасдан бажаринг, яхшиси, ундай ишларга умуман аралашманг.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Шу кунларда бироз айёр бўлиш сиз учун кони фойда. Чунки келаси чоршанбагача турли учрашувлару тадбирлар қуршовида қоласиз. Ҳеч кимнинг кўнглини қолдирмаслик учун бироз ҳийла ишлатсангиз, бунинг ёмон томони йўқ.

ПАРИЗОД (23.08-22.09)
Кейинги пайтда ишларингизда ўзгаришларчиликка йўл қўйгансиз.Лекин бир нечта тадбирни бирваракайига ўтказиш ҳам ярамайди. Дўстларингизни чорланг, уларнинг ёрдамида анча ишларингизни битириб оласиз.

ТАРОЗУ (23.09-22.10)
Кўчмас мулк билан боғлиқ музокараларда даллолардан йироқ юринг. Яхшиси, оила аъзоларингиз, турмуш ўртоғингиз билан маслаҳатлашинг, улар ҳамиша сизнинг фойдангизни кўзлайдиган одамлар.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Ноқулай вазиятга тушиб қолмаслик учун турли миш-миш ва ғийбатларга қулоқ солманг. Ҳамкасбларингизнинг ҳаракатларини муҳокама қилишдан ўзингизни тийинг. Акс ҳолда, обрўсизланиб қолишингиз мумкин.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Агар синалмаган одамнинг тижорат ишига ҳамкорлик қилишдан сақлансангиз, моддий аҳволингизга путур етмайди.Моддий манфаатнинг кетидан қувиб, пулингизни кўпайтириш ўрнига боридан ҳам айрилиб қолишингиз мумкин.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-19.01)
Яқинларингиз билан муносабатингизда бироз кўнгилхиралик юз бериши мумкин. Лекин қайғуга ҳожат йўқ, одатда бундай ҳолатлар тез ўтиб кетади. Дам олиш кунларида ҳаммасини изга солиш учун Сизда катта имконият бўлади, ундан унумли фойдаланинг.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Ушбу кунларда айтарлик муҳим воқеалар юз бермайди. Шаҳар ташқарисига,табиат қўйнига чиқинг, бир-икки кунга сизни йўқотиб қўйишса, ҳеч нарса қилмайди.Айрим кишилар сизсиз янча қийин бўлишини ҳам тушуниб оладилар, шунда.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Унча катта бўлмаган маблағни бой берасиз.Ортиқча додвой қилмасдан, хатолардан тўғри хулоса чиқариб қўйган яхшироқ. Бу хулоса сизни келгусида кафолатланмаган юмушларни қилишдан, синашта бўлмаган одамларга ишонишдан сақлайди.

СКАНВОРД



Р.БУРЛИЕВ тузди

ҚУТЛАЙМИЗ!

Мухтарам устозимиз

Шоира ҒУЛОМОВА!

Сизни таваллудингизнинг 50 йиллиги ва мураббийлик фаолиятингизнинг 30 йиллиги муносабати билан муборакбод этамиз. Сиздан олган сабоқларимиз ҳаёт пиллапояларидан одимлашимизда бизга таянч бўлса, Сизнинг инсоний фазилатларингиз барчамизга ўрнакдир. Сизга узоқ умр ва бахт тилаймиз.

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти талабалари

«Жонли» айтса бўларкан-ку.

Баҳор таровати илҳомбахшдир

ОСМОН ЙИРОҚ...

Ёлғиздирсан мен ўзун осмон
Мен ҳам ишқда ёлғизман, ҳамон.
Қўлини узат етайин сенга,
Юлдузларинг дўст бўлсин менга.
Қалбим ўзун дўстлик эшигин
Очиб кўйдим келармисан деб,
Пайдо бўлиб эшик олдида,
Чалармисан жуфтлик қўшиғин.
Сенга қўлим етмайди осмон,
Қандай тутай ўз юлдузимни...

СЕВИБ ҚОЛАМАН

Бир куни сен мени севиб қоласан,
Муҳаббат боғида кўниб қоласан.
Унда мен осмонда, оғда бўламан,
Қайтиб келганимда, сўлаб қуламан.

Муҳаббат ҳақида қўшиқ қўйлаб мен,
Яна осмондаю, оғда бўламан.
Сен менинг ишқимда ёниб қоласан,
Муҳаббат боғида излаб толасан.

Мен сени бу боғда асир қиламан,
Бир умр шу ерни қаср биламан,
Мен билсанг, шу боғнинг жодугуйиман,
Кўп эмас, бир марта севиб қоламан.

Дилшода АСЛОНОВА.

MAHALLA

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Эркин БОҚИБОЕВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Шавкат ЎРАЗАЕВ, Таъниберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ
Навбатчи: Аброр БЕРДИЕВ
Сахифаловчи: Алишер ЙЎЛДОШЕВ

Газета таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г-327 Топширилди—